Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

6 сон • 6 — 12 февраль 2003 йил

ҲАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕҒАРАЗ СУҲБАТДОШИНГИЗ



Ҳаётда шундай одат ва эскидан қолган удумлар борки, уларни миллатимиз ва халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар қаторига киритиш қийин...

Ислом КАРИМОВ

МАРОСИМЛАРИМИЗ МЕЪЁРИДА ЎТКАЗИЛСА...

Яқинда бир қариндошим билан машинада кетаётган эдик, у ғазабнок ҳолда менга юзланиб, "Домла, фалон танишим ўғлини уйлантирган эди. Ҳайитга келин томондан бир қанча сават келинга, қуёв, ота-оналар, ҳатто яқин қариндошларга ҳам сарполар қилиб, мева-чева, ширинлик билан жўнатилибди. Қуёв тўра ўзларига 140 минг сўмга олинган чарм куртканинг у ёқ-бу ёғини кўриб, келинга хитоб қилибди: "Мен бунақасини киймайман, даданга бориб айт, бошқасини олиб берсин". Қиз йиғлаб уйига борибди ва воқеадан отасини хабардор қилибди. Қайнота бойвачча эканлар шекилли: "Бор эрингга айт, бозорга бориб ўзига ёққанини танлаб олсин, пулини мен бераман", дебдилар. Қуёв тўра бозорга бориб, 190 минг сўмлик курткани танлабдилар, қайнота пулни тўлаб юборибди.

Бу воқеани эшитиб ғазабландим. Имоним жўш урди, қўлимга қалам олдим.

Биз исломдай пок, адолатли динга мансубмиз. Ота-боболаримиз шу дин кўрсатган йўлдан бордилар, имон, эътиқод, диёнат, ҳалоллик, поклик, инсонпарварлик, инсоф-адолат, камтарлик тамойилларини тутдилар, ўзларининг ажойиб урф-одатларини секин-аста такомиллаштирдилар, ҳаёт тарзларини белгилаб олдилар.

Исрофгарчилик, худбинлик, ҳаддан ошиш каби салбий иллатлар Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, олиму шоирларимиз асарларида қаттиқ қораланган. Озгина диндан, маънавият-маърифатдан хабари бор инсон бу диний ва миллий урф-одатимиз, анъаналаримизга зид бидъат ва хурофотлардан жирканади, ор қилади.

Никоҳдан ўтиш, халқ ибораси билан айтганда ўз фарзанди "бошини иккита қилиш" ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуси. Уйимга келин келсин, набиралик бўлай ёки қизимизни бир жойга узатайлик, тиниб-тинчиб ўзидан кўпайсин, деб орзу қилмаган ота-она бўлмаса керак. Афсус, бундай ҳаётий, эзгу ниятларга эришиш осонлик билан бўлмаяпти. Айрим пулдор бойваччалар ва орзу-ҳавас, ҳирсу ҳаводан бошқа нарсани билмайдиган баъзи аёлларимиз томонидан ўйлаб топилган беъмани урф-одатлар ҳаётимиз, тўй-анъаналаримиз тарзига ниҳоятда катта зарар етказаяпти. Бир танишим ҳовлисини сотиб, кўп қаватли уйга кўчиб чиқиб, қизини тўй қилди. Яна бир яқин кишим вақтинча бекорчилиги, моддий аҳволи яхши эмаслигидан қизини турмушга беролмай, совчиларни қайтариб юборяпти. Бунақалар қанчаданқанча бўлса керак.

140 минг сўмлик курткани назар-писанд қилмаган бойвачча қуёв тўра ким ўзи? Ота-онанинг тарбиясини олмаган ахлоқсиз, очкўз, молпараст, ота-она арзандаси, маънавиятсиз бир кимса. Бу мақтанчоқ қуёв тўра чарм курткасини кўз-кўз қилиб ўртоқлари, қариндош-уруғлари орасида мақтанади, ўзини бошқалардан юқори деб ҳис этади, чунки эгнида қиммат куртка. Қуёв тўранинг бу қилмишини эшитган ҳар бир инсон ундан нафратланади. Қуёв тўра унинг тўйи учун икки томондан кетган харажатларни ҳам ўйлаб кўрдимикан? Аҳмад Яссавий тили билан айтганда ота-она, қайнота бойлиги вақтинчалик, "бир кун қўлдан кетиши", ўзи ҳам оила тебратишини, елкасига ола хуржун тушишини, эртага нима бўлишини ўйлаб кўрдимикан?

Мени ранжитган яна бир нарса, қуёв тўрани ота-онасининг эркатойига берган салбий тарбияси. Ҳар бир ота-она бола тарбияси учун масъул, жавобгар. Наҳотки ўғлининг қилмишидан ота-она хабарсиз бўлса, шу нохуш воқеадан кейин қудаларнинг юзига қандай қарайди? Ёки ўғлим сени боплади, деб қувонадими, ғурурланадими? Тойчоғининг таъзирини бериб қўйиши, агар билмаган бўлса, қуда олдига ўғлини етаклаб бориб, узр сўраши керак эди.

Мен 78 ёшдаман. Биз турмуш қурганимизда тўйба мен — қуёвга битта кўйлак, шим, беқасам чопон, этик, оддий трико костюм, дўппи қилинган. Келинга биз томондан битта кўйлаклозим, беқасам чопон,қалиш-маҳси, рўмол берилган, ҳайит йўқловида бир товоқ ош бўлган. Биз 59 йил эр-хотин қўша қариб яшаяпмиз. Беш ўғил-қизни табиялаб, дабдабаларсиз тўйлар ўтказиб, 17 набира, 9 эваралик бўлдик. Пиру-бадавлатмиз.

Болаларнинг ахлоқий тарбиясига ота-она билан бир қаторда мактаб ва маҳалла, қариндош-уруғлар масъулиятли. Мактабда ахлоқ-одоб дарсларига кўпроқ эътибор бериш, болалар онгига динимиз, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизни сингдириб боришимиз керак.

Тўйлар кундан-кунга дабдабали бўлаётгани, исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани ҳақида кўплаб мақолалар, ойнаи жаҳон кўрсатувлари, радио эшиттиришлари узлуксиз бўлиб турибди.

2002 йил 16 декабрда Президентимиз И. Каримовнинг "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Фармонда анъанавий удумлар, тўйлар, дафн маросимлари ва бошқа миллий маросимларни замон талабларига жавоб бераднган тарзда, ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган аниқ амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш кераклиги ўқдирилди. Аминманки, бу Фармондан кейин вилоят, туманлар раҳбарлари, фуқаролар йиғини раислари, кекса ота-оналаримиз, маҳалла фаоллари тўй-маросимларимизни тартибга солишда фидокорлик ва жонбозлик кўрсатадилар.

Исматулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
филология фанлари доктори,
профессор

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

"Аёллар ва болалар муаммолари" билан шуғулланувчи нодавлат ташкилотлар билан вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида йиғилиш ўтказилди. Аҳоли турмуш даражасини ошириш, аёлларни иш ўринлари билан таъминлаш борасида амалга оширилади ган янги режалар белгилаб олинди.

"Обод маҳалла йили" доирасида анъанавий удумлар тўй-тўйчиқ, дафн маросимларни ихчам ва камчиқим қилиб ўтказиш мақсадида семинар ташкил этилди. Унда шаҳар, туман хотин-қизлар қўмитаси раислари, имом-хатиблар, отин ойилар, ҳамда Қўқон педагогика институтининг олима аёллари иштирок этишди.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлигида "ҳарбий қисмларда тартиб-интизомни яхшилаш" га оид семинар ташкил этилди. Унда туман, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раислари, мудофаа бошқармаси раҳбарлари иштирок этишиб, келгусида ҳарбий қисмларда амалга оширилади ган иш режалари ҳақида фикр алмашишди.

Сирдарё туманидаги "Аёллар ва болалар мурувват уйи" да "Мурувват" тадбири ўтказилди. Бу ерда истиқомат қилаётган аёл ва болаларга туман ҳокимлиги томонидан совға-саломлар, кийим-кечаклар топширилди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Дунё хотин-қизлари билан ҳамкорлик қилиш уюшмаси Сирғали туманидаги "Файз-Холдинг" компаниясида "Аёл-дўстлик элчиси" номли тадбирни ўтказди. Унда Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий ташкилотлар ва дипломатик корпус вакилларининг рафиқалари, етакчи аёллар ва журналистлар иштирок этишди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова ҳамда Сирғали туман ҳокими Раҳим Рўзимуҳаммедов "Тадбир яна бир бор дунё аёллари доимо дўстлик, тинчлик учун хизмат қилишлари исботи бўлди",-дея таъкидлашди. «Файз-Холдинг» компанияси бошқаруви раиси Муқаррамхон Азимова тадбир иштирокчиларига қўлга киритилаётган ютуқлар хусусида сўзлаб берди.

НИГОРА тайёрлади

9 февраль — Алишер Навоий туғилган кун

ҲАЁТ ҚОМУСИ

Биз Навоийни интиқлик билан қайта-қайта мутоала қиламиз. Чунки у замонлар шоири. Қани энди унинг гўзал сўзли асарлари ҳар биримизнинг қалбимизда, ҳеч бўлмаганда уйимиз токчасида турса. Гоҳо шодумон, гоҳо маҳзун пайтларимизда берилиб ўқисак, яқинларимизу суйганларимизга ўқиб берсак.

Инсон табиатан покизаликни ёқтиради, сувнинг, ейдиган овқатимизнинг, ҳавонинг, яшаётган жойнинг тозалиги ва ҳоказо.

Тасаввур қилинг, агар ана шу покизалик бўлмаса нима бўлади? Ҳаётнинг мароми бузилади. Агар инсонлар муҳитида тозалик, покизалик бўлмаса-чи?

Жамиятдаги покизалик биринчи галда аёлнинг покизалигидан бошланади. Биз нинг улуғ алломаларимиз мана шу жиҳатга алоҳида эътибор бериб келганлар. Ҳазрат Навоий аёлнинг покизалигини оламни чароғон этувчи қуёш нурларига менгзайди ҳамда аёл ва қуёшнинг араб истилоҳида жинсдош эканига урғу беради:

Яхши хотунлар сафойи зухдидан,
Олам ичра гар ёруғлик бўлса фош.
Йўқ ажаб, чунким араб алфозида,
Истилоҳ ичра муаннасдир қуёш.

Баъзан ўйлаб қоламан, Бибихоним қисматини. Баъзан эса: "Меҳробдан чаён" асаридаги хон ҳарамини эслайман... Гоҳо Ойишабегим ва гоҳида Бобур умрининг чироғи бўлмиш Моҳим бегим ёдимга тушади.

Қадим мозийда тарих ғилдирагининг гоҳ олдинга, гоҳ орқага кетишига сабаб бўлган аёллар ҳам бўлган. Бунинг учун Миср маликаси Клеопатрани эслашнинг ўзи кифоя. Эркакларнинг талотумларидан ҳамма асрлар оғир ҳансирайди. Балки улар ўша жамиятнинг тузугини таъминловчи покизаликни ахтарганликларидандир: Балки ўша покизалик кўпроқ бўлганида Навоий бобо ўйлаганларидек, жанглар камроқ бўларми ди?!

Юз туман нопок эрдин яхширок,
Пок хотунлар аёғининг изи.

Яна бир нуқта: отасизлик — қайғу, онасизлик эса фожеа. Чунки отанинг ўрнини бир кун келиб ўғил босиши мумкиндир, лекин онанинг ўрнини-чи? Демак, онани йўқотиш қуёш нурларидан бебаҳра қолишдек гап экан.

Ано ўрнин ота тутмас ўғилга,
Ки, мумкиндир ўғил бўлмак атосиз.

Кўринадики, ҳазрат Навоий ижоди бамисоли қомус, ундан ҳар ким бемалол баҳра олади. Ҳазрат қаламлари ила чизилган аёлу оналаримизни бетакрор суратлари қалбларимизни, онгимизни мудом ёритиб туражак!

Дилбар ЧОРИЕВА,
Тошкент Давлат Юридик институти талабаси

Кўрган-кечирганларим

АВВАЛО ОНАМДАН...

- 25 йилдан буён пойтахтда яшаётган экансиз. Ўзингиз айтмоқчи "қизғалдоқ баргидай" 5 та шеърий тўплам чоп эттирибсиз. "Саодат" журналида хизмат қиласиз. Унвону нишонларингиз бор. Шу тақдир, толе учун ўзингизни кимдандир қарздор ҳис этасизми?

Талабалар билан учрашувда менга шундай савол беришди. Қисқагина жавоб бердим-у, ўша куни оқшом одатдаги юмушлардан бўшагач, шу савол хаёлимдан кетмади. Ҳақиқатан ҳам, бу фоний дунёда 50 йил яшаб, озми-кўпми топган қадр-қимматим учун қизиқувчан талаба айтмоқчи, бир эмас, жуда кўп инсонлардан қарздор эканман.

Аввало онамдан...

Одатда, оналар кўпроқ қизлари ёнларида бўлишини хоҳлайдилар. Иссиқ-совуғим бор, "ҳой", деб чорласам, овозим етадиган жойга бераман, деб орзулайдилар. Аммо менинг онам бизнинг жамиятда ўз ўрнимизни тошишимизни асосий мақсад, деб билганлар.

Тоғу дарё оша Фарғонага ўқишга юбордилар. "Олис-яқинни кўр, одам тани", дедилар. Институтни тугатгач, шаҳарда ишлайман, газетага яқин, алоқа қилиб тураман, дедим.

Рози бўлдилар.

Сўнг Тошкентга кетаман, дедим.

- Қўлимдан келгунча ёрдам бераман. Китобларингни тезроқ чиқаришга ҳаракат қил. Ўқиш, ишингни бил, - дедилар.

... Онам 75 ёшида дунёдан ўтдилар. Кучли, қатъиятли, қаҳри ҳам, меҳри ҳам катта аёл эдилар. Бировдан нинанинг учидай яхшилик кўрса, жон-жаҳдлари билан кўпайтириб қайтаришга ҳаракат қилардилар. Мен фарзанд бўлиб у кишининг бир кўнглида турадиган иш қилдимми, йўқми, аммо онам то умрларининг сўнгги дақиқасигача менга куч-қувват бердилар. Энди тушларимда мени ҳаётда кучли бўлиб яшашга ундайдилар.

1976 йилнинг августида илк бор пойтахтга келдим. Аввал ҳам Фарғонага ўтиб кетаётиб, бир икки бор тушганман.

Аммо биринчи бор кўчалар, хиёбонларни кўрдим.

Турли газета-журналлар таҳририятларига кирдим.

Йўқ, аввало 3 кун ҳамюртим Каримбой Қурбонбоев (ҳозир Нукус Давлат университетида ишлайдилар, олим) оиласида рафиқаси ёнида нима қилишимни билмай довдираб юрдим. Ўзим ҳам машқларимни ўша пайтдаги собиқ А.С.Пушкин номидаги Тил ва Адабиёт институти директори, машҳур адабиётшунос олим, ҳамюртим Матёқуб Қўшжоновга кўрсатмоқчи, у кишининг фикрларини билмоқчи эдим. Аммо домлага мени рўпара қилишга ҳеч кимнинг юраги дов бермасди.

- Домла проза билан шуғулланадилар, шеърга... - деб чайналди бирови.

- Улар катта-катта ёзувчиларнинг асарларини ўқийдилар, - дейишди.

Бир хаёлим папкамни қўлтиқлаб, шартта изимга қайтворай дедим, аммо йўл бошида қолган онам кўзимга кўринди. Таваккал

қилиб, домланинг адресини олиб, уйига ахтариб бордим. Рафиқалари Реймажон опа, қизлари Гулнор бор экан.

- Домла, ҳамюртингизман. Агар ёзганларимда нимадир бўлса, газет-журналга кирай... йўқса, одамларнинг вақтини олиб юрмай, - дедим. Домла қулимсирадилар, ўқий бошладилар. 30 тача шеър эди, назаримда. Индамай ўқиб чиқдилар. Нафас олмай, ёнларида ўтирибман, юрагимнинг ургани ўзимга эшитилади.

- Яхши, - дедилар. Домла бу гапни секингина айтсалар ҳам менга дунё жаранглаб кетгандай бўлди.

Домланинг тавсиялари билан "Шарқ юлдузи"га Ойдин опа, "Саодат"га Зулфия опалар олдига бордим. Улар билан илк учрашувларим таассуротларини матбуотда кўп ёзиб, учрашувларда кўп бор айтганим учун бу гал ёзмадим. Аммо ўша илк суҳбатлар оқибати ўлароқ 1978 йил ноябр ойида "Шарқ юлдузи" ва "Саодат" журналларида илк шеърий туркумларим чоп этилди. Дунё таниийдиган шоира Зулфияхонимнинг "оқ йўл"и мен учун адабиётга ҳам, пойтахтга ҳам очилган йўл эди.

... Онам "Тошкентда уйли бўлгунча бу азим шаҳарнинг тўрт бурчагига кул тўкдинг", дер эдилар. Ҳақиқатан ҳам ўз уйим бўлгунча 13 та ижара уйда турибман. Аммо бирорта уйнинг эгаси билан чиқишолмай уриш-жанжал қилмаганмиз. Уларнинг кўпи ҳозир ҳам ҳаёт, ҳаммаси билан инок, қариндошдай яшаганмиз.

Ижара уйлари, рўйхатлардан ўтиш ҳақида ўйлаганимда иккита манзара кўз олдимда туради. Бири- тоғам... Усмонали Жумабоев - Фарғона вилояти Қува тумани Акбаробод қишлоғи фуқароси. Мен институтни тугатгач, шу қишлоқдаги 29-мактабда бир йил ишлаганман. Жумабоевлар оиласида - Хосиятхон ая билан Усмонали тоғанинг беш фарзанди қатори олтинчи фарзанд бўлиб яшаганман.

Ўша тоғам басавлат гавдаси билан, йиғма каравотимни кўтариб олиб, менга ижара уй излаб топиб, жойлаштириб кетганлар. Ишхонаси-ю, кўчасида одамлар соясига салом берадиган тоғамнинг мени - тиззасига келмайдиган етим қизни етаклаб юрганларини эсласам менинг 5 китоб туфайли топган озми-кўпми номим учун раҳматли тоғам хотираси олдида қанчалар қарзим борлигини тасаввур қиламан.

Яна бир шундай туйғу раҳматли юртдошим Абдулла Матёқубов ҳақида ўйлаганимда уйғонади.

Мен уларнинг оиласига бориб-келиб турардим.

... Яшаётган ижара уйимизни тезда бўшатиш зарур бўлиб қолди. Ўзларига керак экан. Янги бошпана топгунча бир ҳафтача ишхонада ётиб юрдим. Табиийки ҳамкасбларимга айтмасдим. Кечқурун хонада чироқ ёқмасдим, қоровул текшириб келиб қолади, деб қўркардим.

Кечалар қанча узун бўлишини ўшанда билганман. Бир ҳафтача шундай яшагач, кечқурунга буфетдан ул-бул харид қилиб кираётгандим, йўлакда Абдулла акани кўриб қолдим. Биз бирга ишлардик.

- Ҳа, шоир, аҳволлар қалай? - деб сўрадилар. Улар ҳамма ёзадиганларни шундай чақирардилар.

Чироқсиз хонада ўғрига ўхшаб пусиб яшаш жонимга теккан шекилли, йиғлаб юборибман. Абдулла ака мени уйларига олиб кетдилар, то ижара уй топгунча 3 та қизлари билан опасингилдай яшаганмиз. Икки хоналик уй эди, менсиз ҳам келиб-кетувчилар кўп эди. Аммо на Абдулла ака, на рафиқаси Сўнагул опа менга бирон марта қовоқ-димоғ қилмаганлар...

Сўнг Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлай бошладим. Бу масканда кичик муҳаррир Назми опамдан ўрганганларим кейинчалик "Саодат"да ҳам кўп асқотди. Биз ишеърият таҳририятида ишлардик. Қалам тутган борки, келаверарди. Истеъдодсизларга тоқатим йўқроқ эди. Шунда Назми опам:

- Қутлибека, уларнинг кўпи узоқ-узоқлардан шеърият ҳақида гапиришгани келади. Уларнинг шу кўтариб келган варақларидан бошқа қувончлари йўқ. Агар биз ҳам улар билан гаплашишдан ўзимизни олиб қочсак, кўнгиллари чўкиб кетишади. Сиз уларга ёзгани яхшими-ёмонми, яхши гапиринг, - дердилар. Мен қалам аҳлининг бир суянчиғи кўнгли эканлигини ана шундай суҳбатларда аста-секин англаб борганман.

Бундай ўйлаб қарасам, талаба қизнинг саволига жавоб бериш учун яна бир қизғалдоқ баргидай китоб ёзишим керак экан.

Жаннатмакон устозимиз Зулфия опанинг "Саодат"га ишга олган дастлабки ойдаёқ Жиззахга - депутат билан суҳбатлашиш учун жўнатганлари...

Мен қоида бўйича туман раҳбариятига киришим керак эди. Мен: "Журналист бошлиқларга учраши шарт эмас", деб трактор тирговичига чиқиб, чўлга жўнаганман. Депутатни ахтариб, гира-ширада эшикмаэшик юрганларим...

Ахийри нон ҳиди гуркираётган хонадонга бош суқиб, тандир бошидаги момодан:

- Эна, қорним очди, бир бурда нон беринг, - деб сўраганим... Момо берган иссиқ нонни сувга босиб ҳўзурланиб еяр эканман, журналистиканинг нонини ейиш осон бўлмаслигини тушунганман.

Зулфия опамнинг: "Ҳақиқат деб ўзингни ўтга-чўққа ураверма, тез битадиган ишни секин ҳам битказиш мумкин. Ҳис-туйғу эмас, ақлнинг гапига кирганлар ютади", - деган сабоқлари...

Ҳалима опамдан, Ойдин опамдан ўрганганларим, ўрганаётганларим... "Саодат" йўлланмаси билан ҳар бир сафарга борганимда учрашган, танишган одамларимдан олган сабоқларим...

Ҳозир энг яхши муаллимларимдан бири - ўғлим, бири- қизим.

Қизим Республика рассомчилик коллежида, ўғлим Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети қошидаги гимназияда ўқишади. Кичик-кичик ҳикоячалар таржима қилишади. Футболнинг ашаддий ишқибозлари. Энг катта оналик қарзим ҳам улар олдида.

... Жигарларимни соғинганимда, яхши-ёмон кунларда бирга бўлолмаганимда: "Қишлоғимда муаллимлик қилиб юраверсам бўлмасмиди, ахир болалар билан ишлашни ҳам яхши кўрардим", - дейман. Аммо болаларимнинг илм олиш имкониятлари кенглиги, ишимни яхши кўришим, қийин-осон кунларда топган дўсту қадрдонларим, ҳамиша мени суяб келаётган турмуш ўртоғим...

Қанча-қанча яхшиликларни ўйласам, мени пойтахтга етаклаган тақдирдан минг марта рози бўламан. "Яхши одамлардан кўрганларимни менга эҳтиёжмандларга қайтариш бахтини ато эт, Худойим", дейман.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Танишинг: Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодлар

Садоқат ЭРМАТОВА - талаба. А.Қодирий номли Тошкент Давлат Маданият институти халқ бадиий ижодиёти факультетида ўқийди. Садоқатни бу даргоҳга халқимизнинг ажойиб, миллий қадриятларга йўғрилган бой ижодий меросини ўрганишга бўлган истак етаклади. У аъло ўқиш билан бирга ўзи ҳам халқона оҳангларга йўғрилган шеър ва ҳикоялар ёзаяпти. Садоқатнинг "Мунис оҳанглар" деб аталган илк тўплами нашрдан чиқди.

Гулрух ДОНИЁРОВА — Сирдарё вилоятидаги Сардоба қўрғонида туғилган. Юртимиздаги кўпчилик ёшлар қатори тадбиркорлик билан шуғулланади. Миллий каштачиликнинг зардўзлик санъатини ўрганган. Бетакрор, кўзни қувнатадиган кашталари билан танловларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Зукко қиз бундан ташқари турли байрамларни ўтказиш учун сценарийлар ва шеърлар ҳам ёзади.

Шаҳноза НИЗОМОВА — мактаб ўқувчиси. Ўзи ўқиётган мактабнинг энг аълочи қизларидан. Шаҳноза айниқса адабиёт фанига қизиқади. Шунингдек, қўшиқ айтишни ҳам маромига етказади. Вилоятда ўтказилган Муҳиддин Қориёқубов кўрик-танловида қатнашиб ўзининг чиройли ижроси билан биринчи ўринга сазовор бўлди. Унинг орзуси келгусида мумтоз қўшиқчилик санъатида энг нафис ва ўзига хос ижро усулларини яратиш.

Басира САЙИДАЛИЕВА тайёрлади

ЯХШИЛИК ВА ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

Ахборот

Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида "Тахтизар" (Спитамен) спектаклининг жамоатчилик кўриги бўлиб ўтди. Йўлдош Муқимов, ҳамда Хайтмат Расуловлар ҳамкорлигида яратилган ушбу асарни саҳнага мукаммал тарзда олиб чиқишда режиссёрлар Арсен Исмоилов, Маҳмуд Рашидовларнинг хизматлари катта бўлди.

Бош қаҳрамон Спитамен образини актёр Учқун Тиллаев, Искандар сиймосини Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммаджон Абдуқандузов ижро этишган.

Ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, яхшилик ва эзгулик билан суғорилган ушбу асар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Н. РАҲМОНОВА

МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР

«Эзгуликнинг калити — меҳр»— 49-сон, 2002 йил

ЭСЛАТМА: ***Итим туққан эди. Мен эрталаб ишга кетиб, кеч қайтардим. Кундан-кун у улғайиб мендан ўзини олиб қочадиган бўлди. Уни боғлаб ўзимга ўргатиб олмоқчи эдим, у бўшаниб қочиб кетди. Қиссадан ҳисса шуки, жамиятимиздаги ноқобил болалар ҳам ўз ўзидан дунёга келмайди.***

Тоҳир НОРИМОВ

Ўн саккиз минг оламда барча нарса ўткинчи. Жамики мавжудотлар сарвари, олий тафаккур эгаси-инсонга ҳам умр абадий берилмаган. Ён-атрофимиздаги барча нарсалар ўлчовли қилиб яралган. Шунга қарамасдан, аразмаган бир оғиз ширин сўзни, бир тутам қайноқ меҳрни бир-биримиздан дариғ тутамиз...

Ҳозирги кунда оқ ажал-СПИД дея аталган иллат кўпчиликни ташвишга солмоқда. Ҳали она сути оғзидан кетмаган айрим ўғил-қизларимиз ақлини таниб улгурмай турли хил йўлларга кириб кетишининг боиси нимада?

- Қўшнимнинг ўғлини "қора дори" билан ушлашибди. 15 йилга кесилиб кетди, ёш умри жувонмарг бўлди,—дейди ҳамкасбим хотиржам тарзда. -Ота-онаси ўқимишли бўлиб, тарбия бера олмабди...

Олтмиш ёшни қоралаб қолган бу аёлнинг бепарволигидан қалбим ларзага келади. Халқимизда:"Бир болага етти маҳалла ота-она", деган гап бежиз айтилмаган. Ота-она ўз фарзандига бепарво бўлибди, лекин сиз-чи? Нега эшигингиз тагида 4-5 боланинг сигарет тутатиб турганини кўриб, ёнидан кўрмагандек ўтдингиз. Уларнинг ота-онасини огоҳлантирмадингиз, болаларни койимадингиз? Ахир, қўшни болани нима иш билан машғул бўлганини эртадан то қоронғу кечгача давлат ишида бўлган ота-онаси билмаса-да, сиз билар эдингиз-ку, опа, дегим келди. Ахир, уни ишини эртага сизни неваларингиз қизиқиб давом эттирмайдими, деб ким кафолат бера олади...

Эзгуликнинг калити меҳр-муҳаббатдир. Яхши ва ёмон ишларни ҳам боши шу ҳислатдир. Ҳар бир дунёга келадиган боланинг келажакда қандай инсон бўлиб вояга етишуви нафақат ота-она, балки унинг ён-атрофидаги кишиларга, жамиятга ҳам боғлиқ. Азиз мухлис, қўйидаги воқеани менга бир танишим сўзлаб берганди.

- Ёзда вақтимни дала-ҳовлида ўтказаман. Қўшниларимдан бирининг икки кучуги бўлиб, бири катта, баҳайбат, кўринишининг ўзиёқ киши дилига ғулғула солади-ю, лекин табиатан ювош эди. Иккинчиси эса кичкинагина лайча-ю, ўтган-кетганга хуравериб одамни безор қилди. Мен катта итни яхши кўрар, лекин кичигини жиним суймасди.

Бир куни яна бир қўшнимнинг мушуги болалабди, лекин уй эгаси улар сал улғайгач битта боласини олиб қолиб, қолган иккита мушугини эса кўчага ҳайдабди. Катта итни бунга кўзи тушиб, бир зумда биттасини еб қўйибди. Аммо, битта мушукнинг халоскори топилди. Лайча, худди мен ёмон кўрган лайча мушук боласини авайлаб инига олиб кириб, боласидек боқа бошлади.

Танишим каби мен ҳам тилсиз, онгсиз этиб яралган жонзотнинг бу қадар меҳр-муҳаббатидан лол қолдим. Ҳайратландим.

Қаранг, азиз инсон мушук боласини кўчага итқитди, меҳр-муҳаббатини дариғ тутди. Мавжудотлар ичра энг олийси, олий тафаккур эгаси саналган, инсон деб аталмиш зотнинг қалбида бир онгсиз ҳайвончалик меҳр топилмади.. Ахир Оллоҳ Таоло бизларни ақлидрок, шафқат, меҳр-муҳаббатлари ила сийлаб, азизу мукаррам этмаганмиди?

Баъзан мол-дунё деб ўткинчи ҳис-туйғуларга берилаётган кимсаларни кўрганимда шу воқеа бот-бот эсимга тушади.

Сўз- қуролдир. Яхши сўз билан илон инидан, ёмон сўз билан пичоқни қинидан чиқармоқ мумкин. Бир оғиз ишончли далил, қайноқ меҳр-муҳаббатга йўғрилган ширин сўз ҳар қандай кишини яхшиликка ундаши шубҳасиз. Бизнинг ҳар бир яхши хислатларимиз фарзандларимизга, келажакда уларнингда фарзандларига асқотгулик мактабдир.

Шундай экан, азизлар, лоқайд ва бепарво бўлмайлик. Зеро, келажак бугундан бошланади. Бу дунёда эса меҳр-муҳаббатдан, яхшиликдан бошқа барча нарса ўткинчидир.

Фарида ТОҲИРОВА,
Тошкент шаҳри

ЎЗИНГИЗНИ ҚЎЛГА ОЛИНГ

"Дўстимдан ҳам, севган қизимдан ҳам айрилдим", 26-сон, 2001 йил

ЭСЛАТМА: ***Синфимиздаги Малика исмли қизни дўстим Маҳмуд билан бир вақтда севиб қолдик. Малика эса мени ёқтираркан. Шу қиз сабаб бўлиб икки жонажон дўст бир умр юз кўрмас бўлиб кетдик. Малика эса... Бошқа йигитга турмушга чиқиб кетди.***

БЕҲЗОДЖОН

Беҳзоджон, севги деган савдо ҳар кимнинг ҳам бошида бор нарса. Лекин шундай вазиятда ҳар ким тўғри йўл топа билиши керак. Тақдир бўлмай Малика бошқа бир одамга тегиб кетганда, сиз ҳам ўзингизга муносибини топиб уйланишингиз лозим. Фақат ўзингизни ўйлайверасизми? Бундоқ онангизни ҳам ўйланг-да, ахир! Мана энди турмуши бўлмай ота-онаси уйига қайтиб ҳам келибди. Тақдир бўлмагани шу-да, балки сизга турмушга чиққанда бахтиёр келинчак бўлиб яшаб юрган бўлармиди? Фарзанди ҳам бўлармиди!?

Бир ёқда онангизни орзу-ҳаваси. Сиз унга уйландингиз ҳам дейлик. Унга сиз турмуш қурган аёллигини таъна қилмайсиз деб ким кафолат бера олади?.. Агар унинг бу камчилиги бўлса ёки феъли чатоқроқ бўлса ич-ичингиздан қовурилиб юрасизми? Унда дардингизни кимга айтасиз? Нима бўлганда ҳам онани раъйига қараб иш тутган маъқул. Ахир, "Она рози Худо рози, ота рози Худо рози" деган гаплар ҳам бор-ку! Энди дўстингизга келсак бошида у ҳам енгиллик қилган, сизни тушунмаган. Унга мабодо рўбарў бўлиб қолсангиз албатта кечиринг. Уни ҳам тушунса бўлади. Кўп қуюнавермай, ўзингизни қўлга олинг. Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Ҳаммасига кўникиб яшашга тўғри келади. Етти ўлчаб, бир кесиб оқилона фикр юритмоқ лозим.

ЛАТОФАТ

АРҚОННИ УЗУН ТАШЛАНГ...

"Гўёки болаларни деб яшаётгандекмиз" 52-сон 2002 йил

ЭСЛАТМА: ***Мактабда бир йигит менга бошқача меҳр билан қарарди. Лекин мен парво қилмасдим. Кейинчалик мен ҳам унга боғланиб қолдим. Аммо онаси "ўз тенгини олиб бермайман", дебти. Кейин тақдир мени бир йигит билан боғлади. Бошда у жуда меҳрибон эди. Кейинчалик ўзгариб қолди. Мен уни жуда севаман. Наҳот ҳаётда ҳақиқий севги бўлмаса?***

НАЗИРА

Синглим Назира, бошда биринчи муҳаббатингизни тилга олиб ўтибсиз. Бу билан биринчи муҳаббатингизни армон билан эслаётгандай туюлдингиз менга. Сиз бу борада адашаяпсиз. Энди уни тилингизга чиқармай, дилингизнинг тубига яширинг. Турмуш қурган йигитингиз ҳам сизга етишгунча қанчалик изтиробларни бошидан кечирганлигини ҳикоянгиздан кўриниб турибди. "Аввалига жуда меҳрибон кўринган эримни йиллар ўтиб жиззакилиги, жаҳлдорлиги, талабчанлиги ва шу ўринда жуда рашкчи эканини билиб олдим", дебсиз. Ундан шунча нуқсон қидиришга вақт топибсиз-у, яхши томонлари бир ёқда қолиб кетаверибди-да, синглим. Бу ҳаётда нимани қидирсангиз ўшани топасиз. Устасининг қўлига тушса тош сайқал топганда, инсоннинг кўнглига йўл топиш нима деган гап. Демак, ўзингиздан ҳам хатолик ўтган. Арқонни узун ташлаб оқилалик билан иш тутишингиз керак эди.

Энди эса жиззакилик, жаҳлдорлик нимадан туғилади ўзи, шунга бир тўхталайлик. Тўғри, сиз уни аввал ўта меҳрибончилигидан баҳраманд бўлгансиз. Аввал фақат сизни ўйлаган бўлса, кейин болалар туғилиб меҳрининг бир қисмини болаларга улашган. Уларнинг келажаги, ейиш-ичиши, рўзғорнинг камчиликлари дегандай у ўзгарган. Сиз эса бундан тўғри хулоса чиқармай ундан аввалги меҳрни ҳар хил йўллар билан талаб қилиб олишга интилгансиз. Унинг эса бошида сиздан ташқари минг хил ўй-фикр бор. Унинг жиззакилиги, жаҳлдорлигининг боиси шу. Талабчанлигига келсак бунинг ҳам сабаби бор. Сиз у хоҳлаган, истаган шарт-шароитни, ўз вақтида яратиб бермаганингизда. Рашк ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Яхши кўради-ки, сизни рашк қилади, қизғонади. Эркакнинг рашк қилмай қолишидан худо сақласин. Албатта ўринли рашкни назарда тутаяпман мен. Сиз эркакларнинг табиатини билмайсиз. Оқила аёл эрни маҳкам ушламай, арқонни узун ташлаб қўяди. Бу ҳаётда ҳеч нарса бесабаб бўлмайди. Синглим, оиланинг моддий томони эркакка, унинг тинч-тотувлигига аёлга боғлиқлигини ҳеч қачон унутманг. Ҳар ким ўз ўрни чегарасини билса яхши: "Эру хотин қўш хўкиз", деган нақлни суистеъмол қилмаслиги лозим. Бунда бурч, масъулият деворлари ҳам бор албатта. Оилангиз деворининг пойдевори мустаҳкам, фақат юқори қисмида бир-иккита ғишт кўчган, холос. Уни ўз ўрнига қўйса бўлади. Ташвиш тортишингизга ҳеч ҳожат йўқ.

ТОҲИР

Аксадо

ЎҒИЛ БОЛА ГАП, ДЕЙСИЗЛАР-У...

"Шунчалар кучлими бу гўзал туйғу?" 1-сон

ЭСЛАТМА: ***Мен бир қизни севардим. Лекин онам қарши чиқди. Бу орада ҳарбий хизматга бориб келдим. Шундан бери юрагимда нимадир узилган. Наҳот бу биринчи муҳаббат ҳеч ёдимдан чиқмаса? Нима қилсам ҳаётим ўзгаради?***

ДИЛШОД

Дилшод ака, сиз ҳам биринчи муҳаббатингиздан қуйибсиз, қарангки менга ҳам биринчи муҳаббатим насиб қилмаган. Биринчи муҳаббатни кўпчилик армон бўлиб қолади, деса ишонмасдим. Мен ҳам сизга ўхшаб 17 ёшга эндигина тўлган эдим. Сиз мактабда танишган бўлсангиз, мен коллежда танишгандим. Аввалига мен ҳам дўст бўлиб юрдим. У йигитни исми Х. эди. Х. жуда ҳам фаросатли, сабрли, меҳрибон ва одобли эди. Ҳеч қайси байрам ёдидан чиқмасди. Албатта совға-саломлар билан қўнглимни олар эди. Мени кўргани келганда қувончи ичига сиғмас, гапларидан ҳаяжонланаётгани билиниб турарди. Борабора мен ҳам уни қаттиқ севиб қолдим, лекин бу ҳақда унга ҳеч нима демасдим. Менга ҳар куни севишини, албатта уйланишини айтиб чарчамайдиган Х. бирданига ўзгариб қолди. Менга нимадир дегиси келиб типирчиларди. Бир куни уйидагилар уни "уйланасан" деб қўйишмаётганини айтди. Бир куни:"Йўқ демасангиз сизга совчи жўнатаман", деб қолди. Гапсўзидан билдимки ота-оналари бирорта қизни кўз остига олишган. Йўқса 20 га қадам қўйган болани шунчалар зўрламас эдилар. Мен уни юпатиб бахт тиладим, ҳали-бери турмушга чиқиш ниятим йўқлигини айтиб, онасини гапига киришини маслаҳат бердим. Маслаҳат берардиму, ичимдан зил кетса ҳам бағри тош қиздай мағрур турардим. Х.нинг кайфияти тушиб, уйига кетди ва бориб тўйга розилик берибди. Сўзимнинг устидан чиқиш учун чалғишга ҳаракат қилдим. Х.нинг тўйи бўлиб ўтибди. Эшитишимча онасининг қувончи ичига сиғмасмиш. Ҳар бир она ўғлига ўзи хоҳлаган қизни олиб беришни хоҳлайди. Азиз муштарийлар, балки сизнинг ҳам онангиз бирортасини кўз остига олиб юргандирлар. Балки онангиз мўлжаллаётган қиз сизнинг орзуингиздагидай қиздир. Мабодо сизга ёқмаса, уйланишга шошилманг.

Қўлингиздан келса, ўз севгингиз учун курашинг. Мен қиз бола бўлиб бу ҳақда уйдагиларга айтолмадим. Лекин сиз йигит кишисиз, ахир сўз берганда "ўғил бола гап", деб кериласиз. Хафа бўлишмаса баъзи йигитларимизнинг оналарига айтар гапим бор: бечора ўғлингиз севиб қолдим деса юзингизни буриштириб, кимлигини билмай туриб "олиб бермайман, бўлмайди, тўғри келмайди" деган баландпарвоз гап қиласиз. Аслида яхшилаб суриштириб кўринг... Ҳар ким ўз кўнглидаги кишисига эришганига не етсин. Ё гапим нотўғрими?

Х.
Тошкент шаҳри

ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР, ЭЪЛОНЛАР

Ширинтой ўғлимиз ЖАВОҲИРБЕК!

Сен туғилган кун биз учун энг бахтли кун бўлган. Истардикки, умрингнинг ҳар куни шодликларга тўлиб юрсин. Умринг узоқ, ризқинг бутун, келажагинг порлоқ бўлсин. Биз сени жуда яхши кўрамиз.

Ота-онанг, уканг БЕҲРУЗ

Азиз отажонимиз СИРОЖИДДИН, меҳрибон онажонимиз ЭЛБУВИ !

Сизларни таваллуд кунларингиз билан қутлаймиз. Ҳар доим соғ бўлинглар. Оиламиз тожу давлати бўлиб узоқ умр кўринглар.

Фарзандларингиз ҒАЙРАТЖОН, ШУҲРАТЖОН, келинларингиз МУХАЙЁХОН, МОҲИЧЕҲРАХОН

Азиз ва меҳрибон адажонимиз Ўткир АКБАРОВ!

Сизни 7 - феврал қутлуғ 65 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз. Умрингиз узун ва ризқингиз бутун бўлсин.

Рафиқангиз САЙЁРАХОН хожи она, фарзандларингиз, набираларингиз

Онажоним Мавлуда ҲАЙДАРОВА, келинимиз Зулайҳо БЕРДИЕВА, укажонимиз Мадилложон ҚУРБОНОВ!

Сизларни таваллуд кунларингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Доимо соғ бўлиб узоқ умр кўринглар.Ҳаётингиз ҳамиша қувончга тўлсин.

Оила аъзоларингиз номидан Махсуда КЕЛДИЕВА

Хонадонимиз соҳиби АЮПОВ Муҳаммаджон ака!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан оиламиз номидан чин дилдан қутлаймиз. Узоқ умр ва бахт тилаймиз.

Ҳурмат билан турмуш ўртоғингиз МАХСУДА, қайнингиз БАҲОДИР

Дўстимиз Ибодулла САЙФУЛЛАЕВ!

Сизни таваллуд кунингиз билан табриклайман.Сизга узоқ умр ва соғлик тилайман. Оилангиз бахтига доимо бош бўлиб юринг.

Дўстинг Курамбой ОТАЖОНОВ

Дадажонимиз Донабой АБДУЛҲАКИМОВ!

Сизни 50 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз.Қалбингизга иймон, соғлик ва ишларингизга ривож тилаймиз.

Рафиқангиз Мехринисо, фарзандларингиз Машраб,Толмас,Дилором, Моҳира,набираларингиз Мафтуна, Дурдонахонлар. Самарқанд в, Челак шаҳри

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚЎЛЛАР»

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:

— Моделчи-технолог (бичиш-тикиш курслари) — **2; 4 ойлик;** — Эркаклар кийими — **2 ойлик;** — Аёллар костюми, палтоси, плащни — **3 ойлик;** — Дарпарда, парда, чойшаб, ёстик, дастурхонлар — **1,5; 3 ойлик. Диққат — Янги курс: Тўй ва оқшом либосларида 2 ойлик (20-25хилдаги ЭЛИТА усулида). Уй ҳамшира массаж билан — 2-3 ойлик. Тортлар, дастурхон безатишни ўргатамиз — 10-кун. Мунчоқлар билан безаклар, каштаклар тикиш — 2-ой**

Битирганларга диплом берилади.

Қабул ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 10 дан 14 гача.

Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби,

СИЗДАН МИННАТДОРМАН

Салом ҳурматли "Оила ва жамият" ижодкорлари!

Сизлар ҳар ҳафта чиқарадиган газетангизни ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман ва интиқлик билан ўқийман.

Газетада Эргаш Салимовни суратини кўрганимда хурсанд бўлиб кетаман ва ўғлимни чақириб "Феҳруз, сени даволаган профессор Эргаш Салимов бўлади" деб тушунтираман. Мени ўғлим бир ярим ёшгача соғлом ўсди. Бир ярим ёшдан кейин қиш пайти боғчага қўйиб, ишга чиқиб кетдим. Бир қаттиқ шамоллаб, тез-тез касал бўлиб нафаси қисиладиган бўлди.

Ўзимизни касалхонада бир неча маротаба даволатдим. Ота-она учун боласини касаллигини кўришдан ёмони йўқ экан. Уйда тинчлик йўқ эди. Бир куни ўғлимни кўтариб шифохонага бордим. Ойпари опа ўғлимни касаллигини кўриб: "Мени ўғлим ҳам худди шундай касал эди - Эргаш Салимов даволади, яхши бўлиб кетди", - деб сизни манзилингизни берди. Дадаси билан маслаҳатлашиб, сизни даргоҳингизни топиб бордик.

Бизлар Қаршидан Тошкент шаҳрига биринчи маротаба боришимиз эди. Ўғлимни кўриб, текшириб: "Мен ўғлингни яхши қиламан, фақат 4 ой даволаниш керак", - дедингиз. Бир ой уйда, бир ой касалхонада, 3 ой даволатдилар.

Худога шукр, кеча-кундуз Худога нола қилганларим, шунча азоб чекканларим бекорга кетмади. Агар шифокор юраги билан, илм-тажрибаси билан касалларни ажратмасдан даволаса, албатта яхши бўлар экан! Ўғлим ҳозир ҳам шамоллаб туради, лекин олдинги нафас қисишлари қолиб кетди.

Буни учун, Сиз азиз профессорга миннатдорчилик билдираман. Ҳар доим фарзандларингизни бошига соғ-саломат бўлиб, менга ўхшаган оналарни дуосини олиб юринг, деб

ШОҲИСТА
Қашқадарё вилояти
Косон шаҳри
5 митти ноҳия, 1-2уй, 13 хона

"ОИЛА ЗИЙНАТИ" МАРКАЗИ

Қизларни ва келинчакларни оилавий ҳаётга тайёрлаш максадида қуйидаги ўқув курсларни ташкил этди:

2-ОЙЛИК

- Бичиш-тикиш (тезкор гурух), бир ойга **6000 сўм**. "Элита" усулида пардалар, чойшаблар тикиш, бир ойга **4000 сўм**. Торт ва салатлар тайёрлаш, бир ойга **4000 сўм**. Компьютер билимлари, (Windows - 98), бир ойга **7000 сўм**. Массаж (амалиётга билан) бир ойга **4000 сўмга**. Оқшом либосларини безаш (гул ясаш) бир ойга **4000 сўм**.

3 ОЙЛИК

- Кийимларни биссер билан безаш **6000 сўм**. Кўрпа, кўрпача ва тўн тикиш бир ойга **4000 сўм**. Юмшоқ ўйинчоқлар ва бешик асбобларини тикиш, бир ойга **4000 сўм**.

4 ОЙЛИК

- Бичиш - тикиш (бошловчилар учун), бир ойга **4000 сўм**. Сартарошлик, косметология, бир ойга **5000 сўм**. Машинада гул тикиш (каштa), бир ойга **4000 сўм**.

Машғулотлар амалиёт билан бирга қўшиб олиб борилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегиримлар бор. Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

1. Манзил: Фурқат кўчаси, 1-уй. Спорт қўмитаси биноси ёнида, 4 қават 410 - хона. Телефонлар: 45, 18,42, 29-28-58, 191-78-02, 98-07-64, 98-06-67.

«Оила ва жамият» ўгитномаси

Чехра-ю қош-қовоғнинг
очиғига не етсин,
Аслида дил-димоғнинг
очиғига не етсин.
Қуёш нурин тўсувчи
булутни ким ёқтирар,
Ҳар фаслда ҳавонинг
очиғига не етсин.

* * *

Оиланинг тинчлиги
эр кишига боғликдир,
Ва беканинг феъл-хулқи,
юмушига боғликдир.
Рўзғор бўлмас кам-кўстсиз,
йўқдир тикансиз гул ҳам,
Бор-йўғига қаноат
қилишига боғликдир.

* * *

Балиқнинг тириклик
тарзи сув билан,
Инсоннинг зийнати
хуш туйғу билан.
Ҳаёт ғаниматдир
ўтказма умринг,
Беҳуда кайф-сафо
ва уйқу билан.

* * *

Жанжалли уйда ҳеч
бўлмас барака,
Осуда ўтмас ҳам
тўй ва маърака.
Ноўрин хархаша
мисли оғудир,
Дард солар у нозик
ва пок юракка.

Соип МУҲАМЕДОВ

"XOLIS-UMID" фирмаси

қуйидаги касб-хунар курсларга таклиф этади

6 ОЙЛИК:
- АКУШЕРЛИК
- ФАРМАЦЕВТИКА

3 ОЙЛИК:
- КОМПЬЮТЕРНИ ТАЪМИНЛАШ УСТАЛАРИ; (Материалшунослик, йиғиш, таъмирлаш)
- КОМПЬЮТЕР ГРАФИКАСИ (COREL DRAW, PHOTOSHOP);
- БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА КОМПЬЮТЕР;
- ИНГЛИЗ ТИЛИ (Болаларга ва давлат этказувчилар);
- БИЧИШ-ТИКИШ (Энг замонавий фасонлар);
- КЕЛИН ВА ОҚШОМ ЛИБОСЛАРИНИ БЕЗАШ;
- ХАМШИРАЛИК;
- САРТАРОШЛИК (Мижозларга сифатли хизматлар);
- ФАНТАЗИЯ ГУЛ ЯСАШ - 1 ойлик
- БАЗАНДАЧИЛИК (Мехнат ва уйғурча тикиш) - 1 ойлик

2 ОЙЛИК:
- КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИГИ : XP, WINDOWS 98/2000 ME, OFFICE 2000;
- СИСТЕМА ОПЕРАТОРИ КУРСИ;
- БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА БАНК ИШИ;
- ТОРТ САЛАТ (ЎЗДИЙ ВА ОЛИЙ КУРСИ);
- МАССАЖ (ДАВОЛАШ ВА БОЛАЛАР УЧУН);
- ЗАМОНАВИЙ "ЭЛИТА" ПАРДА-ПОКРЫВАЛАЛАР ТИКИШ;
- КОСМЕТОЛОГИЯ (ЮЗ МАССАЖИ, ВИЗАЖ);

ДИҚҚАТ : МАШҒУЛОТЛАР ХАФТАДА 3 МАРТА ОЛИЙ ТОИФАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТОМОНИДАН АМАЛИЁТИ БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИ. СИФАТЛИ УКИТИШ КАФОЛАТЛАНАДИ.
БИТИРГАНЛАРГА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.

МАНЗИЛИМИЗ: "ХАЛКЛАР ДУСТЛИГИ" METRO БЕКАТИ АЛМАЗАР МАССИВИ 83 ОРИЕНТИР: 90 МАКТАБ ЁНИДА ТЕЛ: 43-76-66

«ЎЗБЕКИСТОН» РАДИОКАНАЛИ

- *УЗУН ТЎЛҚИН — 1851,9 М*
- *ЎРТА ТЎЛҚИН — 282,5 М*
- *УЛЬТРА ҚИСҚА ТЎЛҚИН — 4,41 М*
- *FM — 103,5 М*

БИЗНИ БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚЎШНИ МАМЛАКАТ ТАДБИРКОРЛАРИ ҲАМ ТИНГЛАШАДИ.

РАДИО ОРҚАЛИ РЕКЛАМА ТЕЗКОР, САМАРАЛИ ВА АРЗОН!

ТЕЛЕФОНЛАР: 133-24-26, 133-92-04, 133-49-95.

"ШУКРОНА" (Малика) гўзаллик салони маиший хизматнинг янги турларини таклиф этади:

- Косметология. • Юмшатувчи, оқартирувчи кремлар. • Юз терисини тозаловчи совунлар. • Персинг (қулоқни оғриқсиз тешиш). • Татуаж (қош, кўз, лабни узоқ муддатга ранглаш.) • Ижарага никох либослари берилади.

Қашқадарё вилояти, Косон ш-ахри, Охунбобоев кўчаси, Шукрона (-Малика гўзаллик салони.) т: 8-37-552-32-002

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҒОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН қовуғи бўш 10 ёшдан ошган ЎҒИЛ ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.

Буйрак, қовуқ, простата бези касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ.

Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номли жамоа хўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шоҳбекатидан 464, 469,522-автобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатигача борилади. Телефон: 8 296 56023.

Лицензия рақами 3271

«ЎҲТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:

1.Тикиш-бичиш - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт машғулотлари ўтилади. 3. Компьютер - 2 ой. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Якка тартибда, кафолатли. 4. Сартарошлик - 3 ой, амалиёти билан. 5. Тиббий массаж - 2 ой, амалиёти билан. 6. Торт ва турли пиширикдар- 2 ой, олий курс - 1 ой. 7. Парда, чойшаблар. Элита усулида замонавий тикиш - 1 ой. 8. Сартарошлик (Эркаклар учун) - 2 ой. Каштачилик - (машинада вышивка) - 3 ой. 9. Инглиз тили - 3 ой. 10. Зардўзлик (Бухороча)- 3 ой.

Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.

Манзилимиз : Юнусобод тумани 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори оркасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-95. "Ўҳтамхон" ўқув маркази филиали Кибрай тумани, Ўнқўрғон маҳалласидаги 30-ўрта мактаб биноси ичида.

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

ДУШАНБА 10

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Телетомошабинлар диққатига!

Профилактика муносабати билан душанба 10 февраль куни "Ўзбекистон" телеканали кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 "Таҳлилнома".
15.45 "Тўртинчи ҳокимият".
16.05 "Камилла". Телесериал.
16.35 "Бу ажиб фасл". Телеальманах.
16.55 "Наво тоғди Навоий".
17.55 ТВ маркет.

18.00 ЯНГИЛИКЛАР

18.10 Болалар учун. "Саньат ғунчалари".
18.30 "Мулкдор".
18.45 "Бахтли воқеа". Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Окшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 "Ахборот".
21.05 **2003 йил - Обод маҳалла йили.** "Кўпчилик қаторида".
21.30 "Тупроққа таъзим". Х. Шарипов.
22.05 **"Ўзбекистон" каналида илк маротаба:** "Камилла". Телесериал.
22.40 "Олтин мерос".
22.50 "Ахборот-дайжест".
23.10-23.15 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 Янги авлод студияси: "Келинг танишайлик".
10.25 Ўйна, болажон, ўйна.
10.40 Саломатлик сирлари.
11.00 ТВ-анонс.
11.05 "Давр" ҳафта ичида.
11.35 Мусиқий лаҳзалар.
11.45 Жаҳон жуғрофияси.
12.35 Давр-news.
12.55 Болалар экрани: "Фантадром".
13.25 Дунё ажойиботлари.
13.45 "Табиб". Бадиий фильм. 1-қисм.
14.50 Спорт ҳафтаномаси.
15.05 "Табиб". Бадиий фильм. 2-қисм.
16.10 Ғазал соғинчи Алишер Навоий.
16.30 Кўрсатувлар дастури.
16.35 "Янги авлод" почтаси, болалар учун концерт.
17.05 ТВ-анонс.
17.10 "Динозаврлар билан сайр". Телесериал. 1-қисм.
18.00 Ёшлар овози.
18.20 Кўҳна оҳанглар.
18.30 Соғлом она - соғлом бола. 1-кўрсатув.
18.50 ТВ-анонс.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Эрта сўнган юлдузлар.
20.00 Ёшлик қўшиқлари.
20.15, 21.25, 22.35 ЭЪЛОНЛАР
20.20 "Олис осмон". Видеофильм.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 "Муҳаббат қаҳваси". Телесериал.
23.10 "Ёшлар" телеканалида спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида - 23.55 Давр.
1.00-1.05 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. "23,5 даражали бурчак остида". 76-қисм.
17.45, 19.05, 21.55 "Экспресс" телегазетаси.
18.05 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.15 "Пойтахт". Ахборот дастури.
18.50 "Спорт ва болалар".
19.25 "Халқ саломатлиги йўлида".
19.45 "Жозиба".
20.30 ТТВда сериал. "Мафтункор аёл".
21.35 "Сополда акс этган дунё". Хужжатли фильм. "Ўзбектелефильм".
22.15 "Пойтахт шарҳи".
22.40 Кинонигоҳ. "Осмондан тушган фаришталар".
24.15-24.20 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал
7.30-9.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 "Вести".
16.50 "Ҳинд оҳанглари".
17.15 "Дилбарим ва дилбандларим". Сериал.
18.00 "Евроньюс" янгиликлари.

Биринчи канал
18.25 "Ҳазил кетидан ҳазил". Ҳажвий кўрсатув.
19.00 "Мени кутгил".
20.00 "Ким миллионер бўлишни истайди?" Телеўйин.
21.00 "Время"
21.40 "Сўнгги қаҳрамон-3".

ЎзТВ–IV
22.40 "Бизнес – ревю".
22.45 "Тристан ва Изолда". Сериал.
0.15 "Ахборот" **(рус тилида)**
0.50 "Тунингиз осуда бўлсин!"

16.55 – гача профилактика ишлари
16.55 – Дастурнинг очилиши
17.00 – Час шоу
17.40 - "Теле-хамкор", фойдали газета
18.00 – Киновечер на "30-м": **"Молчаливые хищники"**, триллер
19.30 – "Ошикона", мусиқий дастури
19.45 – **"Горец - бессмертный ворон"**, сериал
20.45 - "Теле-хамкор", фойдали газета
21.05 - "Клип-совга", телетабрикнома
21.20 - "Спокойной ночи, малыши!"
21.30 - Киновечер на "30-м": **"Знакомство по объявлению"**, триллер
23.15 - Спорт на "30-м" – Профессиональный бокс
00.00 - Программа передач

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00 Новости
9.15 Мелодрама «Благородный разбойник Владимир Дубровский»
11.05 Большие родители.
11.35 Дисней-клуб: «Переменка»
12.15. Фильм «Человек с другой стороны»
14.00 «Путешествия натуралиста»
14.30 Док. детектив. «Налетчики».
15.00, 18.00 Новости (с субтитрами)
15.15 Док. сериал «Дикие штучки»
15.45 Фильм «Отряд специального назначения».
17.00 «Большая стирка»
18.25 «Шутка за шуткой».
19.00 Жди меня
20.00 «Кто хочет стать миллионером?»
21.00 Время
21.40 «Последний герой - 3»
22.40 Независимое расследование
23.25 Ночное «Время»
23.45 «На футболе» с Виктором Гусевым
24.10 «Новый день». «Сила йоги»
24.40 «Новый день». «Гении и злодеи».
1.10 Конькобежный спорт. многоборье.

4:45 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Фильм «Уличный боец»
9:45, 16.45, 18.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10:00, 13.00, 16.00, 19.00 ВЕСТИ.
10:20 Сериал «Пуаро Агаты Кристи. Дама в вуали»
11:20 «В «Городке».
11:30 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
12:30 ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
13:20 «Что хочет женщина». Ток-шоу
14:10 Телесериал «Трое против всех».
15:15 «Простые истины». Телесериал.
15:45 «Экспертиза».
16:00 ВЕСТИ.
16:20 «Вся Россия».
16:35, 22.50 ВЕСТИ-СПОРТ.
17:20, 19.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
17:50 «Комиссар Рекс». Телесериал
19:50 «Спокойной ночи, малыши!».
19:55 РУССКАЯ СЕРИЯ. «Леди Босс».
20:50 «Семнадцать мгновений весны».
22:20 Ток-шоу «ВЕСТИ+».
22:55 ПОСЛЕДНИЙ СЕАНС. «Крупный калибр»

8.30 Религиозная программа.
9.00 Мультсериал «Ураганчики»
9.30 Мультсериал «Мумии возвращаются».
10.00 «ПОТЕРЯННЫЙ РАЙ».
11.30 Х/ф «ВЫБОР ОРУЖИЯ».
14.00 Телесериал «Секреты кино».
14.30, 20.00 Телесериал «АМАЗОНКА».
15.30 Х/ф «БРАТСТВО УБИЙЦ».
17.30 Х/ф «ВЕДЬМА».
19.30, 1.00 Телесериал «МЭДИСОН».
21.00 Премьера. Х/ф «ЛЕГЕНДА О РАЙЕНЕ».
23.00 Х/ф «БЕШЕНЫЕ КОРОВКИ».
1.30 Х/ф «ТОЧКА ПАДЕНИЯ».

6:00 УТРО на НТВ
9:05 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
9:35 «ВЫ БУДЕТЕ СМЕЯТЬСЯ!»
10:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
10:25 Погода на завтра
10:30 «НАМЕДНИ»
12:00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 22.00 «СЕГОДНЯ»
12:05 Комедия «ЖЕНАТЫЙ ХОЛОСТЯК»
13:45 КРИМИНАЛ
14:05 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД»
14:35 Детектив «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
15:35 Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17:05 Сериал «ГАНГСТЕРСКИЕ ВОЙНЫ: ЧУМА »
18:20 «ВНИМАНИЕ: РОЗЫСК!».
19:35, 23.15 Сериал «ТАЙНЫ СЛЕДСТВИЯ»
20:50 Боевик «КОДЕКС ЧЕСТИ»
22:40 Модный сериал. «СЕКС В БОЛЬШОМ ГОРОДЕ»
24:20 ГОРДОН
1:25 Окончание трансляции

TV centr

Профилактика на канале «ТВ ЦЕНТР» до 20.00
20.00, 24.00 События. Время московское.
20.15 Русские зимы в Ницце.
21.00 «УЗЫ ЛЮБВИ». Телесериал
21.50 Пять минут деловой Москвы.
22.00 Фильм «КОГДА ДЕРЕВЬЯ БЫЛИ БОЛЬШИМИ».
24.50 Особая папка.
1.20 Времечко.
1.50 Петровка, 38.
2.10 25-й час. События. Время московское.
2.30 Поздний ужин.
3.00 Поэтический театр Романа Виктюка.

6.00 Сериал «ЛЕТО НАШЕЙ ТАЙНЫ».
6.50, 11.45 Мультсериал «Марсупилами».
7.15, 12.10 Мультсериал «Рэдволл».
7.40, 12.35 Мультсериал «Черепашки-ниндзя».
8.05 Познавательная программа «Удивительные животные-3».
8.30 Познавательная передача «Фантастические существа».
9.00, 2.10 Сериал «ЖЕНЩИНА-ПОЛИЦЕЙСКИЙ».
9.55, 14.45, 4.00 Шоу «О, Счастливчик!»
10.45 Сериал «ПЕРВАЯ ВОЛНА».
13.00 ТВ-клуб.
13.30, 3.10 Сериал «ЛУС МАРИЯ».
14.30 Мультфильм «Тимошкина елка».
15.30, 19.30, 1.15 Ток-шоу «Окна».
16.25 Вестерн. «БАФФАЛО БИЛЛ И ИНДЕЙЦЫ».
19.00, 21.00 Комедийное шоу «Шоу Бенни Хилла».
20.30 Комедия «ЖЕНСКИЕ ШАЛОСТИ».
21.30 Боевик. «КТО Я?»
0.15 Музыкальная программа «Музыка на ТНТ».
0.30 Развлекательное шоу «Империя страсти».

REN TV

8.30, 19.15 «ОБЖ, ИЛИ ОБЫГРАТЬ ТИНЕЙДЖЕРОВ». Телесериал.
9.00, 18.50 «ПАУЭР РЕЙНДЖЕРС, ИЛИ МОГУЧИЕ РЕЙНДЖЕРЫ». Телесериал
9.25, 18.25 «Питер Пен». Мульт сериал
9.50, 18.00 «Инспектор Гаджет». Мульт сериал
10.15 «Большие деньги»
11.15 «Кино» «УДАР С ВОЗДУХА»
13.25 «Безумный мир». Док. фильм
14.25 «САГА О ФОРСАЙТАХ». Телесериал
15.30 «Семейные страсти».
16.30, 23.30 «24». Информационная программа.
16.50, 22.20 «МУЖСКАЯ РАБОТА». Телесериал.
19.45 «ВОВОЧКА». Комедийный сериал.
20.20 «АГЕНТСТВО». Комедийный сериал.
21.55 «Футурама». Мульт серия
23.30 «24». Информационная программа.
24.00 «Кино» «КРЫСЫ»
2.15 «24». Спортивное обозрение.
2.30 «Нокаут». Новости бокса.
3.05 Ночной музыкальный канал.

5.45 «МАЛЕНЬКИЕ ЭЙНШТЕЙНЫ». Х/ф для детей.
6.00 «НОВЫЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ ЛЕССИ». Х/ф
6.25, 14.00 «Приключения капитана Врунгеля».
6.50 «Приключения Вуди и его друзей».
7.15 «Афиша». Телевизионный журнал.
7.30, 17.00 Комедия «ДРУЗЬЯ».
8.00, 20.00 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Х/ф
9.00 «Афиша». Телевизионный журнал.
9.15, 0.00 Скрытая камера.
9.45 Кино «ИСТИННЫЕ ЦЕННОСТИ».
12.30, 18,00 «Девичьи слезы». Ток-шоу.
13.30 Комедия «МАСТЕР НА ВСЕ РУКИ».
14.30 «Озорные анимашки». Мульт фильм.
15.00 «Новый Бэтмен». Мульт фильм.
15.30 «Проект «Зета». Мульт фильм.
16.00 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Х/ф
17.30, 23.00, 23.30 Осторожно, модерн!
19.00 «33 КВАДРАТНЫХ МЕТРА».
19.30 Детали.
21.00 Кино «ПАТРИОТ».

СЕШАНБА 11

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.40 "Кишлоқ ҳақида ўйлар".
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 "Кўпчилик қаторида".
10.30 "Шум бола". Бадиий фильм.
12.05 "Тупроққа таъзим". Х. Шарипов.
12.40 "Талабалик йилларим".
13.00 С. Аҳмад. "Фармонбиби аразлади". Спектакль. 1-қисм.
14.10 "Муносабат".
14.45 "Фармонбиби аразлади". Спектаклнинг давоми. 2-қисм.
15.45 "Обод уйда пок одамлар яшайди".
16.05 "Камилла". Телесериал.
16.35 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
16.55 "Ватанимга хизмат қиламан".
18.10 "Сеҳрли оқу". Мультфильм.
18.30 "Баркамол авлод орзуси".
18.50 "Тафсилот".
19.10 Мумтоз наволар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.25 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 Окшом эртаклари.
20.15 FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)
20.30 "Ахборот".
21.05 Ўзбекистон халқ артистлари.
21.30 "Олам футболи".
21.55 "Тоғлик қуёв". Бадиий фильм. 1-2 қисмлар.
17.30 Кино «РЕБЕНОК-ПОЛИЦЕЙСКИЙ».
21.00 Кино «МОНАХИНИ В БЕГАХ».
23.00 Осторожно, модерн!
23.30 «Кресло». Игровое шоу
0.30 Кино «КОМИССАР ПОЛИЦИИ И МАЛЫШ».
2.00 Кино «ПОЛЯ НЕНАВИСТИ».

ЯКШАНБА 16

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.10 "Баройибот".
9.30 "Балиқчи ва олтин балиқ ҳақида эртак". Мультфильм.
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Она меҳри".
11.20 "Рақибингиз гроссмейстер".
11.30 "Алиса ғаройиботлар мамлакатида". Мультфильм.
12.45 "Йил мактаби-2002".
13.05 **ТВ-1 кинотеатри:** "Онегин". Бадиий фильм.
14.40 "Қувноқ стартлар". Телеўйин.
15.25 ТВ анонс.
15.30 "Бархаёт наволар".
15.55 "Гап чиқди". Телешоу.
16.35 "Дунё эшиклари очилди бизга". "Болалар сайёраси":
16.55 1. "Улғайиш поғоналари". 2. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
17.45 "Тўртинчи ҳокимият".
18.05 "Портретга чизгилар".
18.25 "Қалб гавҳари".
18.45 "Оқ олтин". Телелотерея.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Қўшиғимиз сизга армуғон".
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи".
22.15 "Спорт оламида". Якшанба кинозали:
22.45 "КиноТеатр".
23.05 "Бўронлар ҳукмдори". Бадиий фильм.
0.35-0.40 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 "Давр тонги".
9.00 "Янги авлод" студияси: "Бўш ўтирма", "Олтин калит".
9.30 Футбол плюс.
9.50 Оҳанрабо.
10.30 "Давр"-репортаж.
10.40 "Динозаврлар билан сайр". Телесериал. 6-қисм.
11.30 Очил дастурхон.
11.55 Лабиринт.
12.20 "Мерлин". Бадиий фильм. 3-қисм.
13.00 Аскар мактублари.
13.20 Болалар экрани: "Садоқатли дўстлар". Мультфильм.
14.35 "Ниҳол" мукофоти совриндорлар қўйлайди.
14.50 Кишлоқдаги тенгдошим.
15.10 Чемпион сирлари.
15.30 Синфдош.
16.05 Кўрсатувлар дастури.
16.10 "Янги авлод" студияси: "Уй вазифаси".
16.30 "Тақдир йўллари". Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
17.35 Спорт ҳафтаномаси.
17.50 "Тақдир йўллари". Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 "Давр"-news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Ҳандалак - плюс.
19.30 Ёшлик наволари.
19.50, 20.40, 22.30 ЭЪЛОНЛАР
19.55 "Мерлин". Бадиий фильм. 4-қисм.
20.45 Ҳандалак - плюс.
20.50 Ватан ҳақида қўшиқ.
20.55 "Заковат" интеллектуал ўйини.
21.50 Олтин мерос.
22.00 "Давр" ҳафта ичида.
22.35 ТВ-анонс.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 "Теран томирлар". Бадиий фильм. 2-қисм.
0.15 - 0.20 Хайрли тун!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
19.00, 20.10, 21.25 "Экспресс" телегазетаси.
19.20 "Табриклаймиз-қутлаймиз".
20.00 "TV мадад".
20.30 "Жаҳон географияси".
21.00 "Пойтахт шаҳри".
21.45 "TV плюс".
22.10 Кинонигоҳ. "Қаҳрамон".
23.55-0.00 Хайрли тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "ТВ-4да мусиқа".
9.35 "Фан тайм".
9.45 "Инглиз тили Сиз учун".
10.10 Д. Криловнинг "Йўлда ёзилмаган қайдлари".
10.30 "Ҳамма уйдалигида".
11.15 "Кайфият". Информацион дам олиш дастури.
12.45 "Парле ву франсе?"
13.10 "Кувноқ инглиз тили".
13.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
13.40 "Экран зийнати ва киймати".
14.05 **FCN "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида)**
14.15-15.35 "Дўстлик" видеоканали: "Дидар", "Маврид", "Бағри кенг Ўзбекистон", "Корейс тилини ўрганамиз".
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 "Бинафша".
17.25 "Соғинч".
17.40 "Флоренс Найтингел". Мультфильм.
18.05 "Хикоя".
18.30 "Дунёга назар".
18.45 "Автострада".
Биринчи канал
19.05 Байрам концерти.
21.45 "7 кун". Ҳафта якунлари.
22.10 "Тенгдошлар".
22.40 "Кинопрофи".
23.00 **"Таҳлилнома"** (рус тилида)
23.40 Кинематограф. "Директор". Бадиий фильм.
1.25 "Тунингиз осуда бўлсин".

30 КАНАЛ

9.00 - Дастурнинг очилиши
9.05 - "Теле-хамкор", фойдали газета
9.30 - **"Деннис-непоседа",** мультсериал
10.00 - Фильм детям: **"Маленький лесной человек, возвращается домой"**, приключения
11.30 - "Теле-хамкор", фойдали газета
12.00 - Семейное кино: **"Стамбульский транзит"**, боевик
13.40 - Час Дискавери
14.30 - Дневной кинозал: **"Вспомнить всё"**, фантастика
16.10 - "Развлекательная программа"
16.40 - "Скрытой камерой", юмористическая программа
17.00 - Телеигра
17.45 - "Теле-хамкор", фойдали газета
18.10 - Киновечер на "30-м": **"Устоять невозможно"**, боевик
19.45 - "Ошикона", мусиқий дастури
20.00 - **"Агенство",** юмористический сериал
20.30 - "Клип-совга", телетабрикнома
20.45 - "Теле-хамкор",

1 ОРТ

7.00, 10.00 Новости
7.10 Приключенческий сериал «Флиппер»
7.55 Детский сериал «Твинисы»
8.15 Служу России!
8.45 Дисней-клуб: «Тимон и Пумба»
9.10 «Все путешествия команды Кусто: Морские найденыши»
10.10 «Непутевые заметки»
10.30 Пока все дома
11.15 Дог-шоу
12.00 Фильм «Своя чужая земля»
12.45 «Клуб путешественников»
13.30 Дисней-клуб: «Утиные истории»
14.00, 18.00 Новости (с субтитрами)
14.10 «Властелин вкуса»
15.05 Умницы и умники
15.30 «Новый день». «Искатели».
16.00 «Новый день». «Клоуны».
16.35 Воскресный «Ералаш»
17.00 Живая природа.
18.00 Времена
19.05 Все звезды в праздничном концерте «Газпрому - 10 лет»
21.45 Комедия «Шесть дней, семь ночей»
23.40 Бокс.
24.25 Горные лыжи.

РТР

5:30 Комедия «Прорыв»
6:50 «Джуманджи». Мультсериал
7:15 «Русское лото».
8:05 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
8:35 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
9:15 «Утренний разговор с Дмитрием Киселевым».
9:45 «Городок».
10:15 Фильм «Самолетом, поездом, автомобилем»
12:10 «Парламентский час».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 «Вокруг света».
14:15 «Диалоги о животных».
15:10 ПРЕМЬЕРА. «Мир на грани».
15:45 «Комната смеха».
16:40 Комедия «Внутреннее пространство»
18:50 «В «Городке».
19:00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
20:10 «Специальный корреспондент».
20:35 МИРОВОЕ КИНО. «Взапертки»
22:50 Фильм «Радиоволна»

ТВ3

8.30 Религиозная передача.
9.00 Мультсериал «Рекс». Польша.
9.30 Мультсериал «Мистер Бамп».
10.00 Мультсериал «Ураганчики».
10.30 Мультсериал «Мэри-Кейт и Эшли - суперагенты».
11.00 Мультсериал «Капитан Симиам и космические обезьяны».
11.30 Мультсериал «Эволюция».
12.00 Х/ф «ОБМЕН СЕРДЦАМИ».
13.50 Удача на даче.
14.00 Окно в мир. О жизни в разных странах.
14.30 Телесериал «ОСТРОВ ФАНТАЗИЙ».
15.30 Х/ф «ПОЛИЦЕЙСКИЙ».
17.30 Время действовать. Х/ф «РУССКИЙ КИЛЛЕР».
19.30 Телесериал «ИСТОРИИ О ПРИВИДЕНИЯХ».
20.00 Телесериал «ОСТРОВ ФАНТАЗИЙ».
21.00 Премьера. Х/ф «СКУКОТИЩА».
22.30 Х/ф «ПРИШЕЛЬЦЫ 2: КОРИДОРЫ ВРЕМЕНИ».
1.00 Телесериал «МЭДИСОН».
1.30 Киношок. Х/ф «ДЕВЯТАЯ СЕССИЯ».

НТВ

7:10 Детское утро на НТВ. «ПОЛУНДРА!»
7:40 ВКУСНЫЕ ИСТОРИИ
8:00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 15.00, 16.00, 18.00 19.00, «СЕГОДНЯ»
8:05 Комедия «ЩЕДРОЕ ЛЕТО»
9;25 Лотерея «ШАР УДАЧИ»
9:55 Погода на неделю
10:05 Сериал «БУШУЮЩАЯ ПЛАНЕТА»
11:05 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ».
11:40 «ВЫ БУДЕТЕ СМЕЯТЬСЯ!»
12:05 Важные люди в программе «ВЛИЯНИЕ»
12:40 ПРОФЕССИЯ-РЕПОРТЕР
13:05 Комедия «ОСЕННИЕ СОБЛАЗНЫ»
14:45 «ВКУСНЫЕ ИСТОРИИ»
15:05 СВОЯ ИГРА
16:20 «ИСТОРИИ ОХОТНИКА ЗА КРОКОДИЛАМИ»
16:45 Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО»
18:05 «ЧЕЛОВЕК В ЖЕЛЕЗНОЙ МАСКЕ»
21:00 «НАМЕДНИ»
22:30 Боевик «ЧИСТИЛЬЩИК»
24:25 Сериал «КЛАН СОПРАНО»
1:15 «ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ»
1:55 «НОЧЬ»
2:35 Окончание трансляции

TV centr

9.25 «Отчего, почему?» Программа для детей.
10.30 АБВГДейка.
11.00 Мультпарад. «Опять двойка», «Пес в сапогах».
11.45 Музыкальная программа
12.15 Наш сад.
12.35 Лакомый кусочек.
13.00 Московская неделя.
13.30 Звезда автострады.
13.45 Фильм «ЭТО СЛУЧИЛОСЬ В МИЛИЦИИ».
15.15 «Три пингвина». Мультфильм.
15.25 «Приглашает Борис Ноткин».
16.00, 1.45 События. Время московское.
16.15 «Алфавит». Телеигра.
16.55 Все о здоровье в программе
17.25 «Удивительный мир животных». Телесериал
17.50 «Сказка о старом кедре». Мультфильм.
18.15 Детектив-шоу.
19.00 «Добрынин день». Концерт.
20.15 «КОМИССАР НАВАРРО». Телесериал
22.00 «Момент истины».
22.55 Прогноз погоды.
23.00 Фильм «ИНТЕРДЕВОЧКА».
1.55 Спортивный экспресс.
2.25 Сенсации и не только в программе «Деликатесы».
3.00 Серебряный диск.

ТНТ

7.00, 16.00 Сериал «НА КРАЮ ВСЕЛЕННОЙ-3».
7.50 Комедия. «ДУБЛЕРША».
9.35 Познавательная передача «Фантастические существа».
10.00 Док. сериал «Путешествия с Национальным Географическим Обществом».
11.00 Док. сериал «Час Дискавери». «Охотник на крокодилов».
12.00 Док. сериал «Удивительные миры». «Прованс».
12.30, 20.30 Комедия «ЖЕНСКИЕ ШАЛОСТИ».
13.00 «ТНТ-спорт». Большое приключение. Международный отбор.
13.35 «ТНТ-спорт». Неделя за 15 минут.
13.55 «ТНТ-спорт». Фигурное катание. Трофе Ламик. Показательные выступления.
14.40 «ТНТ-спорт». Все хОКкей!
15.10 «ТНТ-спорт». Парусный спорт. Кубок Америки.
15.35 «ТНТ-спорт». Дети Олимпа.
15.50 «ТНТ-спорт». Сезон - зима. Лыжи.
17.30 Сказка. «ПИТЕР ПЭН».
19.00, 21.00 Комедийное шоу «Шоу Бенни Хилла».
19.30, 2.45 Сериал «ДИАГНОЗ: УБИЙСТВО».
21.30 Драма. «ЕСЛИ БЫ ДОН ЖУАН БЫЛ ЖЕНЩИНОЙ».
23.40 Фильм ужасов. «СМЕРТЕЛЬНЫЕ ТВАРИ».
1.45 Шоу «Титаны рестлинга на ТНТ».

REN TV

9.30 «Дикая планета»: «Все о собаках», «Спасатели». Док. фильмы
10.30 «Деннис-непоседа». Мульт сериал
11.00 «Флинт - детектив во времени». Мульт сериал
11.25 «Хитклиф». Мульт сериал
11.50 «Симпсоны». Мульт серия
12.45 «ПУТЕШЕСТВИЕ К ЦЕНТРУ ЗЕМЛИ»
13.50, 23.00 «ДРОНГО». Телесериал.
15.00 Военная тайна.
15.30, 23.30 «24». Информационная программа.
15.50 Лотерея «АвтоВАЗа».
16.05 «Кино»: «ЗАДАЧА С ТРЕМЯ НЕИЗВЕСТНЫМИ».
17.40 Все для тебя.
18.15 «Очевидец»
18.50 «ВОВОЧКА-2»: Комедийный сериал.
19.25 «Жизнь с Луи». Мульт сериал
19.50 «Вуншпунш». Мульт сериал
20.20 «Кино»: «УБРАТЬ КАРТЕРА»
24.05 «Кино»: «СЫН НЕУДАЧНИКА».
1.45 Все о жизни.
2.10 «Кино»: «ИДЕАЛЬНЫЕ УБИЙЦЫ»

СТС

5.45 «МАЛЕНЬКИЕ ЭЙНШТЕЙНЫ». Х/ф для детей.
6.00 «СПЛОШНЫЕ НЕПРИЯТНОСТИ». Х/ф для детей.
8.00 Улица Сезам.
8.30 Программа мультфильмов.
9.00 «Лапиш - маленький башмачник». Мульт фильм.
9.30 «Флиппер и Лопака». Мульт фильм.
10.00 «Просто Норман». Мульт фильм.
10.30 «Пуччини». Мульт фильм.
10.45 «Ник и Перри». Мульт фильм.
11.00, 19.50 «КАМЕНСКАЯ». Х/ф «СМЕРТЬ И НЕМНОГО ЛЮБВИ».
12.15 О.С.П.-Студия.
13.00 Кино «МОНАХИНИ В БЕГАХ».
15.00 Скрытая камера.
16.00 «Кресло». Игровое шоу
17.00 Комедия «АЛЬФ».
17.30 «Золотой граммофон».
21.00 Кино «СВИДЕТЕЛЬ».
23.30 «Черно-белое». Ток-шоу
0.30 Кино «ЗА ПРИГОРШНЮ ДОЛЛАРОВ».

БОШКОТИРМА

Юрт		Кун	Ҳўл мева		Эҳсон		Бойлик	Давлат (осиё)
					Тоғ			
Маърифатпарвар (Хин.)		Давлат арбоби (Хин.)	Макр					Ранг
					Спиртли ичимлик			
Сой	Хушбўй модда		Дон		Оз		Бўлим (китоб)	Сон санақ
				Важ				
Куш						Ибо		Хафа
Халқ оғзаки ижоди		Жун		Математик атама				
					Чиройли		Авто мабил	Институт
Бўёқ	Шаҳар (Ўз.)		Партия					
			Адиб		Ҳашорат	Мотам		
Ҳўжалик раҳбари		Қаср				Там, маза		Ҳайвон
				Сўз, тушунча				
Бурж		Он, давр					Сув (тожикча)	
				Овқат				

Хандалар

Ажрашишдан олдин хотин эрига қичқирди:
- Аблаҳ! Нобуд бўлган ёшлигимни қайтариб бер.
- Майли! - деб жавоб қилибди эр. - Олақол! Фақат ҳеч қачон сени кўрмасам бўлди.

☒ ☒ ☒

Тарих дарсида ёш муаллима сўрайди:
- Қани, айтинглар-чи, болалар, Бастилияни ким олган?
- Норматов.
- Билмайман.
- Каримов.
- Билмайман.
- Шеров.
- Билмайман.

Муаллима хуноб бўлиб, кўзларида ёш билан директорга шикоят қилди:
- Қодир Комолович, ўқувчилардан биронтаси ҳам Бастилияни ким олганини айтолмаяпти.
- Майли. Кўп хуноб бўлаверманг. Олишган бўлса, ўйнаб-ўйнаб жойига қўйиб қўйишади. Қўйишмаса, пул йиғиб, янгисини оламиз.

☒ ☒ ☒

- Нима учун аёллар эркакларга қараганда узоқ вақт яшайдилар.
- Нимагаки уларнинг хотинлари йўқда.

☒ ☒ ☒

- Ая, нимага дадамнинг бошида соч кам?
- Калласи яхши ишлагани учун.
- Нима учун сизнинг сочингиз кўп?
- Кўп лақилламай, овқатингни е!

М. МИРЗАШАРИПОВ

Ўқитувчи: -Дилшоджон, дадангларни мактабга ота-оналар мажлисига олиб келасанми?
Ўқувчи: Ҳа, олиб келаман, уч-тўрт марта уйга ҳам олиб келиб қўйганман-ку.
А. Ҳакимов

☒ ☒ ☒

Эру хотин фолбинга боришибди.
- Эримнинг келажаги мени қизиқтирмайди. Менга кеча кечқурун уни қаерда бўлганини айтиб берсангиз, бас.

☒ ☒ ☒

- Бошимга мусибат тушди, дўстим! Кеча кучукчам йўқолиб қолди.
- Шунақа денг! Чатоқ бўлябпти-ку. Дарров газетага эълон беринг.
- Э, фойдаси йўқ. Кучукчам ўқишни билмайди.

☒ ☒ ☒

Томошабинлардан бири ёнида ўтирган одамга дебди:
- Мунча овози ёқимсиз? Ким экан бу ашулачи?
- Менинг хотиним...
- Ие, ие, узр... Овози ёмон эмас. Лекин қўшиқнинг ўзи бемаза экан. Бунақа тутуруқсиз қўшиқни ким ёзган экан?
- Мен...

☒ ☒ ☒

Ота ўғлига деди:
- Уят, мен сендай пайтимда сира ёлғон гапирган эмасман.
- Унақада ёлғон гапиришни қачон бошлагансиз?

- Доктор, менга очиғини айтинг, тузата оласизми мени?
- Ҳа, албатта! Сизнинг касалингизга ўхшаш ҳолларда юзта одамдан фақат биттаси тузалади.
- ???
- Сиз юзинчисисиз, бунгача тўқсон тўққиз киши оламдан кўз юмди.

☒ ☒ ☒

Бошлиқ кассирни ҳузурига чақирибди:
- Бахтиёр, сейфда юз минг сўм етишмаяпти. Унинг калити сизу менда бор, холос.
- На илож, хўжайин, - дебди кассир. - Келинг бўлмаса, ҳар биримиз 50 минг сўм тўлайлигу, бу ҳунук ишга хотима қўяйлик.

☒ ☒ ☒

Бугун ишдан барвақтроқ кетишга рухсат беринг, хўжайин. Хотиним билан у-бу харид қилмоқчи эдик.
- Мутлақо жавоб йўқ.
- Миннатдорман, хўжайин, катта раҳмат!

☒ ☒ ☒

- Сенинг хотининг овқат қилаоладими?
- Қила олади. Фақат у қилган овқатни мен ея олмайман.

Наргиза РАСУЛМУҲАМЕДОВА

ИЗОҲГА ҲОЖАТ ЙЎҚ



☒ ☒ ☒

Ойнаи жаҳон қаршисида видеофилм томоша қилиб ўтирган аёл эрига эркаланди:
- Дадаси, сиз ҳам анави артистга ўхшаб, эркалатишни билмайсиз-а?
- У бунинг учун ойлик олади-да, хотин.

☒ ☒ ☒

Икки ўртоқ пивохонада учрашиб қолишибди.
- Ия, сен бу ерда нима қилиб юрибсан? Шифокор сенга ичкилик ичишни таъқиқлаб қўйган эдику!?
- Тўғрику-я, лекин ўша шифокор ўлиб кетганига яқинда уч йил бўлади...

☒ ☒ ☒

Эр-хотин жанжаллашиб қолишди.
- Сен нега менга турмушга чиққансан ўзи онаси?
- Ўша пайтда сизнинг бунчалик ландавур эканлигингизни билмаган эдим.
- Мана яна алдаяпсан онаси, сен мени кимлигимни ўша пайтда жуда яхши билардинг.

☒ ☒ ☒

Бир одам хотинидан аразлаб темир йўлда чўзилиб ётган экан.
- Ҳой бедаво эр, бу ерда нима қилиб ётибсиз?
- Ўзимни ўлдирмоқчиман. Ҳозир Андижон поезди келади.
- Бекорларни айтибсиз, Андижон поезди учинчи йўлдан ўтади.
- Оббо, шу ерда ҳам тинч қўймадинг-а, онаси. Энди ўша ёққа ўтиб ётарканман-да.

☒ ☒ ☒

Янги уйланмоқчи бўлган йигитни бўлажак қайнотаси синаб кўрмоқчи бўлибди:
- Йигитча, эшитишимча, сиз ичмайсиз ҳам, чекмайсиз ҳам, шундайми?
- Аввал тўй ўтсин, кейин бемалол ичиб, чекишиб ўтираверамиз, дада.

ДАВОЛАНГАНИ БОРГАНДА...

Абдубанноб ака билан Каттавой ака даволангани Ялтага боришибди. Давохонада иккаласига ҳам дорисувга тушиш, уқалатиш муолажалари тайинланибди. Абдубанноб ака чиннижомда чўмилиб бўлиб ташқарига чиқса, даҳлизда ўтирадиган навбатчи кампир буфетдан бир шиша қатиқ, иккита майизкулча олиб чиқиб тамаддига шайланиб турган эмиш. Шу пайт бўлим шифокори уни ҳузурига чақиртириб қолибди. Кампир кетган заҳоти буёқдан Каттавой ака келиб, устал устида турган емиш ва кампирнинг кўзойнагига синчковлик билан боқибди. Артиниб турган Абдубанноб аканинг қувлиги кўзиб: "Булар сизга, ваннага олиб кириб кетаверинг",- дебди.

- Ростданми?-дея иккиланиб қолибди Каттавой ака.

- Буям даволашга кираркан,-жиддий туриб дебди Абдубанноб ака. -Қатиқни ёмон кўраман десам ҳам, навбатчи менга зўрлаб ичкизди. Кўзойнакниям тақиб оласиз, дорисувнинг кўзга салбий таъсири бор экан.

Каттавой ака усталини супуриб, чўмилгани кириб кетибди. Сал ўтмай кампир келиб, нарсалари йўқлигидан анграйиб қолибди. Абдубанноб акадан сўраган экан, у: "Ие, овқатлар сизникимиди? Ҳозиргина бир барзангги одам ҳаммасини йиғиштириб манави хонага кириб кетди",- дебди. Кампир борасолиб жаҳл билан эшикни очса, чиннижомни тўлдириб ўтирган Каттавой акамиз кўзойнакни тақиб олиб, кулчани қатиққа бураб ураётган эмиш.

Ана энди машмашани кўринг.

Анвар ОБИДЖОН

ХОТИНЛАР ГАПИ

Ҳазил

Мен илгари хотин гапига,
Бермас эдим унча эътибор.
Айтиб қолса бирор янгилик,
Дердим: - Айтма бу гапни зинҳор.

Кейин билсам у хабарларни,
Эшитаркан қўшниларидан.
Етказаркан сўнг кечда менга,
"Ахборот"ни олиб баридан.

"Фалончининг эри эртага,
Фалон жойга бўлармиш бошлиқ".
Кетар эмиш ишдан пистончи,
Қиб қўйганмиш бироз "бебошлик".

Айтганидай эрталаб ишда,
Ҳамма сўзлар шу мавзуда гап.
Мен таажжуб қилмайман бунга,
Чунки огоҳ этган "телетайп".

Ҳозир не гап бўлса дунёда,
Аввал бўлар аёллар огоҳ.
- Фалон нарса шундай бўптими?
- Шундай,- дейди сўрасанг ногоҳ.

Интернет ҳам қолади йўлда,
Аёлларда ахборот бисёр.
Ким хотинин ҳайдаб юборган,
Қайси катта топмиш янги ёр?

Дўстим сўрар сим қоқиб:- Бугун,
Фалон нарса бўптими чиндан?
Дейман:- Қўймай тургин гўшакни,
Ҳозир аниқлайман хотиндан.

Ўткир САИДОВ

РАССОМ - Н. ХОЛМУРОДОВ

ОХУНЖОН ҚИЗИҚ ҲАҚИДАГИ ҲАНГОМАЛАРДАН

Тошкентга биринчи келганида Охунжон қизиқ Эски жўвадаги сартарошхонага кириб, Исроил сартарошга деч келибди. Сартарош одатдагидек, "Мижозни зериктириб қўймаслик" ка урриниб, гапираверив-гапираверив қулоғини қоматга келтирибди.

- Ҳар дона сочимга биттадан гап айтдингиз, энди етар. Бу ёғига бас қилинг,-дебди.

Бу гап сартарошга андак қаттиқ тегиб, мижозни боплаб туширимоқчи бўлибди. Соч-соқол олишни чўзиб, охири хизмат ҳақига ўн беш сўм сўрабди.

-Намунча қимат?

- Соч соқолни олдим, юз-бошингизни силадим, елкангизни уқаладим, қулоғу бурундаги мўйларни қиркдим, пахта ҳўллаб чеккаларингизни артдим ва ҳоказо, ва ҳоказо акажон!

-Унда айтинг-чи, бир грамм қон учун донорга қанча тўлашади?

- Билмадим.

- Билмасангиз билиб олинг, бир грамм қон икки сўм бўлади. Сиз менинг ўн жойимни кесиб, пахта экдингиз. Демак, ўн грам қон кетди. Бунинг учун менга беш сўм тўласангиз, ҳисоб-китоб орамиз очиқ бўлади. А, лаббай!

ХАТОЛАРИМИЗНИ ВАҚТИДА ТУШУНСАК

Бир куни эрталаб таҳририятимизга соч-соқоллари оппоқ, баланд бўйли, нигоҳлари маъюс мўйсафид кириб келди.

- Дардимни кейин айтаман, болам, сал толиқиб қолдимда, - деди у мен тутган чойдан ҳўпларкан. Сўнг давом этди:

- Шу Тошкан катта шаҳар-да. Излаган жойингни топа олмайсан ҳам. Сизларни-ку аранг топдим-а, лекин...

- Қаерни излаётгандингиз, ота?

- Хотиним раҳматли вафот этгунича унинг қадрини билмаган эканман. Дунёда эркак киши хотинидан кейин қолмасин экан, асти. Аёл киши ҳамма жойга сиғиб кетаверар экану, лекин эркакка қийин бўларкан. Мен на ўғлимникига, на қизимникига сиғмай қолдим-да.

- Нега шундай бўлди? Ҳали бировнинг ёрдамига мухтожга ўхшамайсиз-ку? Ёки бирон сабаби бормикан? - сўрадим.

- Ким билади? Тарбияда бирон хатоликка йўл қўйдиммикан? Ундоқ десам... Маҳалламизда болаларимга ҳамманинг ҳаваси келарди. Билмадим, уларни нима жин урдийкин?

- Фарзандларингизнинг муомаласи қачон ўзгарди? Бирор воқеа юз бердими?

- Қайдам... Биз чолу кампир кичик ўғлим билан яшардик. Кампирим вафот этганидан кейин кир-чирим келинга оғирлик қилдимикан? Ҳар ойда оладиган нафақамни келиннинг қўлига бераман. Рўзғор ишларида қурбим етганича кўмаклашаман. Ўзимни ортиқча ҳис қилмаслик учун ёшимга қарамай анча ишларни қиламан, лекин...

Очиғи ўша куни қизимнинг биз яшайдиган уйга келиб жанжал қилиб кетиши менинг сабр косамни тўлдириб

юборди. Анчадан буён ўйлаб юрган ишим билан шаҳарга келдим. Ўшани амалга ошириш учун қаерга мурожаат қилишни ҳам билмайман.

- Бундай дейишингизга бирор сабаб борми, отахон?

- Бор, афсуски бор-да! Тинч яшаб юрган кунларимизнинг бирида хотиним вафот этди. Фалокат бир келса қўша келаркан. Ўзим шунча йиллик ёстиқдошимдан айрилиб куйиб юрган кунларимнинг бирида катта ўғлим қандли диабет касалига учради. Касаллик оқибатида у жуда асабий бўлиб қолди. Мен нафақа пулимга унга дори-дармонлар олиб берардим. Бу эса мен билан яшайдиган ўғлим ва келинимга ёқмай қолди шекилли. Буни сезардиму лекин бошқа иложим йўқ эди-да! Касал ўғлим эса тузалиш умидида Тошканга кўчиб келди. Мен эса вақти-вақти билан уларни кўргани келиб турардим. Ҳар гал бу ерга келиб, уйга қайтганимда эса жанжал бошланарди.

Бу ёқда қизларим ҳам... менинг нафақа олишим билан Тошканга кетишим қолган болаларимни ранжитарди.

- Наҳотки болаларингиз... Улар бир-бирлари билан аҳил эмас ...

- Афсуски шундай экан. Бироқ мен буни кеч, жуда кеч тушундим. Келинимнинг қўпол ва совқ муомаласидан жуда хафа бўлардим. Кейинги пайтларда ош-овқатим билан ҳам ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди. Ҳатто, набираларим ҳам гаплашмай қўйишган ҳозир...

Кечаси билан ўйлаб бир қарорга келдим. Эрталаб қизларимга маслаҳат солдим. Уларнинг эса энсаси қотди. Нима дейишганини айтсам...

- Нима деб маслаҳат қилмоқчи бўлгандингиз, отахон?

- Инсон қариганда ёлғизланса оғир бўлар экан, болам. Қизларимга: "Мен келинга ёқмай қолдим чоғи. Агар хўп десанглар бирортангиз билан турсам... Ёки қариялар уйига борсаммикан?" дедим.

- Қизларингиз нима дейишди?

- Э, болам! асти сўраманг. Улар шароит йўқлигини рўкач қилишди. Ваҳоланки, уларга қурбим етган замонларда уй ҳам, ер ҳам олиб бергандим. Оқибатда эса... Аслида-ку, улардан эмас, ўғилларимдан хафа бўлишим керак эди...

Қизим менга ҳамдард бўлиш ўрнига: "Ҳа, ана, бўлар эканку, тушунсангиз. Қариялар уйини жуда зўр дейишади. Вақтида овқат беради, истаганча ётиб ухлайсиз. Нафақа пулингиз ҳам ёнга қолади. Юрасизми қўй-эчки боқиб, ер чопиб..." - деди... Ана шундай...

Шунинг учун ҳам бу ерга келдим. Қайсидир туманда ишқилиб... Қариялар уйи бор экан. Жойлашиб олсам бўлди... Мени олишармикан-а?

Мен эшитганларимга ишониб-ишонмай ўтирардим...

- Хом сут эмган банда эканмиз-да. Доим иш, рўзғор ташвиши билан елиб-югуриб юраверибман. Қанчаканча ёшларни тарбиялабману аммо... Ўз болаларимга тарбия бера олмабман... Энди пушаймондан фойда йўқ, биламан. Болаларимнинг ҳаёти мен туфайли нотинч бўлмаслиги учун қариялар уйига жойлашишга келдим-да.

Отахон, сўзини тугатгач, яна чойдан ҳўплади. Кейин менга қараб:

- Ёрдам берасизми-а? - деди,-илтижо билан. Бошқа илож йўқ эди. Суриштиришга ваъда бердим. Отахон эса...

- Мен унда шу ердаги ўғлимникида яшаб тураман. Телефон бор, мана. Айтган вақтингизда етиб келаман. Мана бу ҳужжатим. Сизда тура турсин, - деди.

Мен ваъдам бўйича ўша қариялар уйини топдим ҳам... Орадан эса бирор ҳафта ўтгач, отага қўнғироқ ҳам қилдим. Минг афсус...

Отахон тонгда дунёдан ўтган экан... Менда қолган ҳужжатларини олиб кетиш учун ўғли келди... Унга анча гапларни гапирмоқчи эдим. Бироқ! Унинг ҳиссиз, чақчайган кўзларини кўриб сўзимни раво кўрмадим. У ҳужжатларга бепарвогина имзо қўяркан сўради:

- Билмайсизми, ўлган одамнинг нафақасини неча ойгача беришаркин? Дафн учун қарз олгандим. Шуни харажатларини қопламоқчи эдим...

Бу мақолани ёзиш мен учун анча оғир бўлса-да, ёзиб мухлисларимиз ҳукмига ҳавола қилишни маъқул кўрдим. Балки, биз ҳам бола тарбиясида билиб-билмай хатоликларга йўл қўяётгандирмиз. Буни эса кексайгунимизча тўғрилашимиз керакдир?! Лекин қандай қилиб? Бу каби саволларга биргаликда жавоб топиш учун ушбу мақолани кўпни кўрган мухлисларимиз ҳам ўқиб хулоса чиқариб, бизга мактуб йўллашларини истардим...

Басира САЙИДАЛИЕВА

Редакцияга ташрифларингиз

ФОЙДАНИ АРРА ҚИЛАРДИК

- Кечирасиз, эркак киши бўла туриб ночор аҳволда қолдим, дейишга ҳам уяларкансан киши,- деди айрим сабабларга кўра ўз исму шарифини, манзилини сир тутишимни илтимос қилди келган киши.

- Хўш, бемалол гапиравeринг, ҳаммаси сиз айтгандай бўлади.

- 7 ойдан бери сарсон-саргардон бўлиб юрибман. Икки ой бўлди уйимнинг бўсағасини ҳам босганим йўқ. Хотин, бола-чақамни аҳволи нима кечди экан, билмайман. Уйга борсам, мени дарагимни эшитганлар олдинма-кейин қарзини сўраб келишади.

-Олган бўлсангиз, беринг-да қутулинг, нимага чўзасиз?

-Ҳамма гап шундаки, мен одамлардан насияга юк олиб сотганимдан кейин пулини берардим. Аниқроғи, мен юкни тўплаб бир кишига етказардим, у бозорда сотиб пул қилиб берарди. Фойдани арра қилардик. Охирги олган юкимнинг пули икки ярим миллион сўм миқдорида бўлиши керак эди. Юкни шеригимга олиб бориб бериб, белгиланган муддатда йўқлаб борсам, дом-дараксиз ғойиб бўлибди. Энди дардимни кимга айтишни билмайман.

- Наҳотки, шунча пуллик нарсани нотаниш бўлган кишининг қўлига тилхат, гувоҳ, далилсиз ишониб топширсангиз?

- Э, у мени уйи, оила аъзолари билан ҳам таништирганди. Унинг уйида 4-5 марта меҳмон ҳам бўлганман. Энди уни тузини еб, яна гумонсираб ўтиришни ўзимга эп билмадим. Кейин билсам, у яшаётган уй унини эмас экан. У вақтинчалик ижарада экан, жуфтакни ростлаб қолибди. Икки ойдан бери излайман, тополмайман.

-Хўш, биздан нима истайсиз?

-Менга банкдан кредит пули олишга ёрдам бера олмайсизларми, деб нажот излаб келдим.

-Кечирасиз, мендан каттамисиз, кичикмисиз билмадиму, ҳар соҳанинг ўз мутахассиси, қонун - қоидаси бор. Нимага банкка мурожаат этмай, бу ерга ташриф буюрдингиз? Гаровга қўядиган мол-мулкингиз бўлса, бемалол банкдан пул олишингиз мумкин. Биз сизнинг кўзбўямачилар қармоғига илиниб қолганлигингиз ҳақида ёзишимиз мумкин. Ўша сизни алдаб кетган шеригингизни топишда маслаҳат олмоқчи бўлсангиз, адвокатга учранг. Жиноят қидирув бўлимига ҳам. Улар сизга қандай йўл-йўриқ тутишингиз ҳақида маслаҳат беради. Агар хоҳласангиз сиз ҳақингизда ёзамиз. Майли, сиз айтгандай сир тутиш йўли билан. Албатта бу бошқаларга ҳам сабоқ бўлсин.

Одамларга ҳам ҳайрон қоласан киши. Наҳотки, "пул отани боладан ажратади" деган гапни ҳали ҳам билишмаса. Бу ҳолга сабаб, ҳали ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқимизни билмаслигимизда. Шу боисдан ҳам қаерга, кимга мурожаат этишни билмаймиз. Бунинг учун эса муқаддас конституциямизни қунт билан ўқиш керак.

Тоҳир НОРИМОВ

АЙЛАККА ЕТАМАН ДЕБ...

- Мен оилада кенжа фарзандман. 4 йил бурун онам оламдан ўтдилар. Отам 65 ёшда. Ака-опаларим алоҳида бўлиб чиқиб кетишган. Икки эркак бир ҳовлида нима қиларимизни билмай гангиб қолдик,-дейди ўзини сурхондарёликман деб таништирган Н. исмли йигит.

- Уйланинг, нимани кутиб турибсиз, ёшингиз ҳам 25дан ошган кўринади, дедим.

- Ҳа, 26 га кирганман. Онам ҳаёт бўлганларида мен бундай сарсон-саргардон бўлиб юрмасмидим... - У бир муддат ўйга толди ва яна гапини давом эттирди. - Ҳозир Тошкентдаман. Отамга акам қараб турибди. Қишлоқда тайинли иш йўқ. Уйланиш учун пича пул ишлаб кетиш ниятида келганман. Икки йил ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. "Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши", деганлари рост экан. Топганим ётиб-туришим, еб-ичишимдан сал ортади. Бу пул билан уйланиб бўлармиди, ака? Отам бир умр шахтада ишлаганлар. Нафақалари яхши, лекин ўша нафақани ўн йил емай-ичмай тўпласалар ҳам мени уйлантириш учун қалин пулига аранг етиши мумкин. Сурхондарёда қалин пули 200 минг сўм. Мен ҳам 5-6 йил тўпласам уйланишим мумкин. Ўзингиз ўйланг, уйланиши учун 4 та семиз қўй, 100-150 та ароқ, яхна ичимликлар, 2 қоп ун, 100 кг. гуруч, шунга яраша ёғ, қанд-қурсни, келинга қилинадиган кийим-кечакнинг ўзига ҳам бир дунё пул керак.

Мен бу пулларни қаердан оламан? Ўғирлик қилсам қамалиб кетсам. Бировдан бир сўм фойда кўрай десам, ўн сўм бўлиб ёнимдан кетади. Ўзимдан ҳам кўра отамни кўпроқ ўйлайман. Онам раҳматли орзу-ҳавасимни кўролмадилар. Отам ҳам йилдан йилга қувватдан қолаяпти. Ўзимга ҳам мусофир шаҳарда ишлаб юриш малол келаяпти.

- Кўринишингиз ҳам ҳар қандай қиз орзу қиладиган йигит экансиз. Наҳотки қишлоғингизда сизнинг оилавий шароитингизни тушунадиганлар топилмаса?

- Э, одамларни биласиз-ку, «Мен ҳам қиз ўстирганман, кўп қатори орзу ҳавас қиламан», дейди-да. Инсоннинг қадр қиммати пул, мол-дунё билан ўлчанаркан, дея йигит ерга қаради.

Биз йигит билан анча гаплашиб ўтирдик. Унинг гапларидан шу нарсани фаҳмладимки, у нафақат ўзини, бошқалар тақдири ҳақида ҳам куюниб гапирарди. Халқимиз ҳамиша шароитга қараб иш тутганини кўп эшитганман. Бобом бир вақтлар қимматчилик, уруш йилларида сунғат тўйларини 4-5 та қўшни бош қўшиб, бир хўроз сўйиб ўтказишганини ҳам айтгандилар. Мен болалигимда қишлоғимизда ўғил тўйи 5 кун давом этарди. Имкони йўқлар эса бир кунда ҳам ўтказиб юборишарди. Ҳеч ким "Лайлакка етаман деб , чумчуқнинг бути йиртилган экан" қабилида иш тутмасди. Ҳозирги тўиш даврида ҳам дабдабали тўйлар қилиб қўни-қўшниларнинг кўзини куйдириш ҳоллари учраб турибди. Жойлардаги маҳалла оқсоқоллари бунга чек қўймас эканлар, бу ҳол давом этавераги. Бундан эса халқнинг чўнтагига оғир ботади.

ОДАМЛАР, ЁМОН ФАРМОНБИБИ ҲАМ БОР ЭКАН-А?

Янги тушган келин иссиқсовуққа чалиндими, негадир қаттиқ тумовлаб қолди. Иситманинг баландлигидан аъзойи бадани зирқираб оғирди. Қаллиғининг нигоҳига тикилган куёв бола нима қиларини билмай, унга жавдирарди.

- Бир пиёла иссиқ сут ичсам, ҳароратим тушармиди, дорилар кор қилмаяпти-ку, - дея зорланди келин.

- Пулим йўқ эди-да, эртага опкелармиз сутни, жавоб қайтарди эри айбдорлардек.

Унинг пули ростданам йўқ эди.

Келин шу хонадонга тушганидан бери 3-қаватда яшаса ҳам, 2-қаватга тамадди қилиш учун ҳар куни тушарди. Бу хонадондаги болалар (кичик келиндан бошқа уччала келинда ҳам 2-3тадан бола бор), 4 жуфт эр-хотин ва уларнинг қайнонаси бир қозондан овқатланишарди. Ўз уйларида овқатланишни қайнона тақиқларкан. Ўз хоналарида бирор бурда нон ҳам йўқ эди. Тўғри, сарамжонлик, тўкиб-сочмай "режим" билан овқатланишни уй ичидагиларга ўргатиш ёмон эмасу, бироқ бир лекини бор-да! Лекини шундаки, бу "марказлашган" оилада кимнидир: болами, каттами агар қорни очса, хонасида ейишига бирор нарсаси бўлмаслиги аниқ, Чунки кўп йиллар мобайнида нуфузли ташкилотларда ишлаб, ҳозирда қарилик нафақасига чиққан уй бошчиси - қайнона "Келинлар қўзғалони"даги Фармонбибининг ёмони (ҳозирча бу қайнонанинг исмини айтмай қўяқолайлик) экан. Етти ўғилли Фармонбибининг бойлик йиғиш нияти, қувлиги асло бўлмаган. Унда набираларга умрини нисор қилиш (эсингиздами, қари бўлса ҳам, набиралари кетидан лагерга ҳам бориб кўриб келади), ўғлига алимент жўнатган қуёвга пулини қайтариб юбортиришидан ҳам, пул унинг учун бирламчи эмас, уй ичидагиларни меҳнат эвазига тўғри ҳаёт кечиришга йўллайди. Порадан ҳазар қилади. Ролдаги Фармонбибининг бошидан сув ўғириб ичса ҳам бўлади.

Бизнинг қахрамонимиз бўлган Фармонбибида ҳам 7 ўғил бўлиб, шуларнинг тўрттаси шу икки қаватда яшашади.

Ўғилларнинг ҳаммаси топармон-тутармон бўлса ҳам, онанинг тазйиқидан чиқиб ўзича пул сарфлашга ҳадиди йўқ. Чунки уларнинг топган-тутгани ҳам, келинларнинг ойлиги ҳам онага берилиши шарт. Харажатни кексалигига қарамай, қийналса ҳам упа-тута қилиб ўзи олиб келарди.

Хуллас "марказлашган сарфият" бу уйда ҳукмрон. Энг ачинарлиси шундаки, келинларнинг берган ойлиги кам туюлса, у ишхонасига бориб, қўл қўйган пул қоғозини кўриб келади-да, ўша келин ҳамма пулини бермагунча тинчлик бермайди.

Шундай қилиш инсофданми? "Бувижон"нинг дастидан бирорта набира бир дона олма ҳам ея олмаса-я! Мабодо ўғиллардан бирортаси уйига болалари ва аёлини назарда тутиб бирор егулик олиб келса, келинлар ишга кетганида уйини тинтув қилиб ўша нарса топиб пастга олиб тушиб қулфлаб қўярди. Шўрликлар қачонгача мўм тишлагандек эрининг ҳурматини қилиб индамай юришаркан. Бу кетишда бирор куни "қўзғалон" бўлса ажаб эмас.

МУЛЛОҲАЖА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

Келинлар индамаганига яраша ўғиллар онасига гапирса бўлади-ку! Бунчалик "одоб"ли бўлиш ҳам ёмон, бу аҳволда бора-бора уларнинг хотин олдидаги обрўси нима бўлади?

Тавба, она дили оғримасин, дея кечаси билан ўғиллар оч ўтиришса-да, чурқ этишмайди.

Ётиғи билан ўз "онаизор"-ига ёки "Қайнона-айнана"га келинлар эмас албатта ўғиллар ўзлари тушунтиришса яхши бўларди. Шундай қилинса бошқаларнинг уларга бўлган ҳурмат - эътибори ортармиди, деймиз-да... Оилавий "жанг" бошланмай, унинг олди олинса яхши бўларди. Пул бор бўла туриб, қисиб-қимтиб уни ҳеч кимга едирмаслик ноинсофлик эмасми, ахир?

Кўпчилигимиз қайнонамиз. Бизда ҳам 4 ўғил, 3 қиз бўлиб, қизлар уй-жойли, ўғил-қизли, баъзиси ҳатто неварали бўлиб кетишган. Ўғилларнинг уйи, қозони бўлак, алоҳида яшашади. Ўғилларнинг энг қичиги билан чол-кампир ҳаммаларининг дуойи-жонини қилиб, Оллоҳдан уларга узоқ умр, озорсиз ҳаёт тилаб ўтирамиз.

Катта ўғиллар ҳам вақти-вақти билан келишиб, ҳолимиздан хабар олиб туришади.

- Ойижон, — гўшакдан катта келиним Мунирахоннинг овози жаранглайди, - бугун кечкига овқат қилманглар, ўғлингиз ош дамлаяптилар, борамиз, - дея хабар беради.

Қай бири ҳам келса кулбам чароғон бўлиб кетади. Келтирган неъматини биталашиб еймиз.

- Қўл - кўзинг дард кўрмасин илойим, бундай шакардек ошнинг олдингилари кейингисини бошлаб келсин-а, болаларим, - дея дуо қиламан, гурунглашиб кулишамиз.

- Илоҳим, фарзандларинг ўзларинг каби меҳр-муҳаббатли бўлиб улғайсинлар, - дея оталари алқаб қўядилар.

Навбати билан бошқа ўғиллар ҳам болачақаси билан келишади, биз эса яйраб кетамиз...

Ўғилларни топган-тутганини ўрнига қўйиб тежаб сарфлашга ўргата бориш керак. Айниқса бозор-ўчарни ўғиллар бажаргани яхши. Аёли зарилидагина борсин.

Мумкин қадар сарфиятда, уларни ишлатишда исрофга йўл қўймаслик оила рўзғорини бир зайлда юритишга имкон беради.

Мухлислар, мен агар ана шу Фармонбиби ўрнида бўлсам, тўрттала келинга ҳам зарур бўлганида алоҳида қозон осишига рухсат берардим. Уларнинг қозонида қайнаган овқат кам-кам бўлгани учун ҳам лаззатли, ҳам 4 хил бўларди. Ўзим эса тўрттадан бирини танлаб ердим-да, уларнинг дуойи-жонини қилардим. Қарилик гаштини суриб, ёққанини еб, ярашганини кийиб ўтирардим. Шунда улар чеккачеккада мени ёмонлаб тириклигимда ғишт қаламай", "соямга кўрпача солишарди". Ё хато гапирдимми, азизлар!

Келинларнинг ўзаро аҳиллигини яратишда уларни жамлаб овқатлантириш шарт эмас, пиширган пиширгию, тутган тутумини мақтаб, бирортасининг айбини бошқасига сездирмай яшаш қандай яхши!

Шу ўринда наманганлик шоира Ойимчахон Бекмирзаеванинг қайнона-келинлар ҳақидаги "Иккисига инсоф бергин, Худойим" шеърида ўғиллар тилидан:

Бирингиз онамсиз,
бирингиз ёрим,
Бирингиз ҳавосиз,
бирингиз сойим,
Сизлардан кунларим
қиёмат-қойим,
Нега энг яқинларим
рақибсиз дойим,
Иккисига инсоф
бергин, Худойим! -

дея жуда маъқул қуйлаганким, мен бу ўринда Фармонбибини келинларга майна бўлмай, Оллоҳнинг иродаси билан ўзини тўғрилаб олишини, барча оналардек катта оиласи аъзоларига нисбатан меҳримурувватли бўлишини истардим.

Мухлислар, Сиз ҳам замонамиздаги ёмон феълли қайноналарнинг нафратга сазовор дилозорликларини биласиз, кўргандирсиз. Ўшалар ҳақида яширмай, ошкор ёзиб юборинг севимли "Оила ва жамият"имизга. Шунда жамиятимизда салбий феълли қайноналар тузалармиди?!

Нафиса ГУЛОМОВА
Хоразм

АЁЛНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

Исломда бировга зарар бериш ҳам, зарарланиш ҳам йўқ.

Ҳадис

(Боши ўтган сонларда.)

Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.)га саҳобаларидан бири келиб айтибдики бир мўмин бор экан: йил - ўн икки ой рўза тутаркан, кечалари эса тинмай ибодат қилар экан. Расулуллоҳ (с.а.в.) ўша одамни суҳбатга чақирибдилар ва дебдилар: "Сен шундай амаллар қилар экансан, аммо айтиб қўяй, рўза тутғил, лекин вақтида овқатланғил. Ибодат қилғил, лекин вақтида ухлағил, чунки сенда ўзингнинг, кўзингнинг, аҳли аёлингнинг ҳақи бордир!" Бундан аён бўладики, ўзинг, кўзинг ва аҳли аёлинг Аллоҳнинг сендаги омонати, ларни асраб берсанг, зарарланмасанг, Яратганга бўлган садоқатинг шу экан. Жонимни фидо қилиб бўлса-да, Аллоҳга эътиқодимни кўрсатаман деб бўлмас! Гап сенинг битта жонинг ҳақида эмас, шу бир жонингга уланган талай жонлар хусусидадир. Шунинг учун ҳам, ўзингга берахм бўлсанг, сенга Аллоҳнинг жазоси бордир: ё беморлик беради, ё яроқсизлик, ё энг ёмон кўнгилсизлик рўй беради! Бунинг оқибатида қанча одам талофат кўриши - сенга суяниб, тиккаланиб турган болаларинг сенсиз довдираб қолиши, жуфтинг ночору сарсон бўлиши, ота-онангни рози қилолмай, қиёмат қарзинг елкангда кетиши мумкин ахир!..

Инсон - шариф! Бир ўзи бирваракай бир неча тақдирга сув ва нур узатиб тургани учун ҳам унинг унвони шундай! "Ўзингда ўзингнинг ҳақинг бор" дегани, атрофга балогардон бўлишга яраш учун, ўзингдаги ўзингни асрай бил демакдир! Исломда бировга зарар бериш ҳам, зарарланиш ҳам йўқ дейилишининг бир маъноси шу.

Бизнинг дин энг инсонпарвар диндир. Асмо бинти Абу Бакр ривоят қиладилар:"Мен Расулуллоҳ (с.а.в.)га: "Онам мени соғиниб келибдилар, мурувват кўрсатайми, нима дейсиз?"- дедим. (Онам ҳануз исломга кирмаган эдилар.) Жаноб Расулуллоҳ: "Ҳа, онангга мурувват қил!"- деб жавоб қилдилар." Гарчи у аёл мушрук бўлса-да, унга зиён раво кўрилмаётир. Чунки у онаи муҳтарама! Исломда "Энг оғир гуноҳ ота-онага оқлик(итоатсизлик, ҳурматсизлик) қилишдир" дейилади. "Сиз менинг хоҳишларимга қарши чиқяпсиз, сиздай онадан кечдим", деган фарзанд мўмин саналмагай! Номуносиб отасидан юз ўгириб кетган ва ё унга қўл кўтарган ўғил ҳам номусулмондир.

Урва розияллоҳу анҳу Ойша онамиздан нақл қиладилар: "Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига кирмоқ учун рухсат сўради. Жаноби Расулуллоҳ уни кўргач: "Бу одам – қабиланинг ёмон биродари, бу одам – қабиланинг ёмон фарзанди!" – дедилар. Сўнг, бояги киши келиб ўтиргач, Жаноб Расулуллоҳ унга очиқ чеҳра билан юзландилар. У чиқиб кетгач, Ойша онамиз:"Ё Расулуллоҳ, уни кўришингиз билан қўпол гапларни айтдингиз, кейин эса очиқ чеҳра билан юзландингиз?!"- дедилар. Жаноб Расулуллоҳ: "Ё Ойша, қачон менинг бадҳулқ бўлганимни кўргансан?! Қиёмат куни Оллоҳ наздида энг ёмон банда одамлар ёмонлигидан ҳазар қилиб қочадиган кишидир",- дедилар. Кўриб турибсизки, ёмон санаган кишимизга ҳам очиқ чеҳра билан муносабатда бўлиш уқдирилмоқда.

Бир илми толиб аёлни биламан, Қуръондан қироат қилганда даврани сел қилгудай салоҳияти бор, аммо ён қўшниси билан салом-алиги йўқ, кўрганда иддао билан терс бурилиб кетади. Бу ойимни динга самимий хизмат қиляпти, деб айтиб бўлмагай! Уни Аллоҳ кечирсин .

"Осонлаштирингиз, қийинлаштирмангиз, бирлаштирингиз, бездирмангиз", дейилади Қуръони каримда. Инсон боласига буюк муҳаббат изҳор қилувчи мурожаатлар бу! Ибодатда, муросада, яшаш тарзида, бировни севишда-ю бировдан ненидир талаб қилишда, бола тарбиясида, илм ўрганишда ... ҳамма, ҳамма нарсада асло мураккаблашиб кетмайлик, чунки у жонни қийнайди! Жон эса Аллоҳники, қийнашга ҳаддимиз йўқ! Қуръон сўзлари биз учун муқаддасдир. Юракка ёзиб сақламоқ, амалда ихлос билан қўлламоқ керак.

...Бир маъракада ўтирибмиз. Дастурхонга гўзал таомлар тортилган, мезбонлар минг букилиб мулозаматда туришибди. Меҳмонлар сара либосларини кийиб, ўзларини сара мақомда тутиб ўтирибдилар. Улар бир-бирларига табассумлар улашиб, ҳол-аҳвол сўрашишар эди. Мана шунақа давраларда ич-ичингдан тан берасан-да, шарқ аёлларидай гўзали дунёда йўқ деган тўхтамга келасан киши! Шу пайт отинойи мартабасидаги бир жувон қош чимириб маъруза бошлади. Мени дастлаб таажжублантирган нарса ҳилолдай маъсум бу ёшгина ойимнинг овозини амри фармон пардасига қўйиб гапириши эди. Намоз хусусида сўз очар экан, ўтирганларнинг ҳар бирини сўроқ қилгандай ниқтаб гапира кетди ва ҳар бир сўзи мўйчинакдай баданни сескантирар эди. Кейин юриш-туриш, кийиниш мавзусига ўтди. Мундоқ қарасам, даврадан ҳусн кўтарилган, ҳамма бир гуноҳ устида қўлга тушгандай забун ҳолатга тушибди. Мийямда эса бир савол муаллақ туриб қолган: нега бу аёл бу қадар газакли?! Нега рангидан қон қочгунча асабийлашяпти? Агар у илм бераётган бўлса, уни инкор этмай тинглаётганлари учун, нега бу давра аъзоларига меҳр билан қарамай, кўзларидан ғазаб сочаётир? Бу отинча ойим қайдан олди бу андозани? "Мусулмончиликнинг биринчи белгиси - ҳилм " деб турибдику ҳадис! "Бездирмангиз!" деб уқдиряпти-ку Қуръони карим! Дин йўлини қийинлаштиришнинг ўзгинаси-ку бу!

Илмдор синглим, қўлингизда Аллоҳнинг каломидай хазина турибди, гавҳарларини кафтингизга қўйиб, кўзларни қамаштирмайсизми? Қуръон сирли бир сандиқ, асрорларини бирма-бир очиб, қулфи дилини очмайсизми бўларнинг? Илм – нур, у тафтни қобиғларининг орасига жойлаб қўймайсизми, вужудидаги музлари эриб, ғуборлардан мусаффо бўлмайдими? Чўчитиб намоз ўқитилиб, уялтириб кийим расоланган жойда мусулмончилик йўқ! Ошиқ маъшуқани севган каби муқаддас эътиқод ишкини юракларнинг ўртасига тушириш керак! Эриган юрак вужудни ўзи гапиртириб олаверади! Исломда озор бериш йўқ. Биз, муаллимлар, баданни оғритмай инсонларнинг дили билан тафаккурига етиб олсак, бўлди. Шундай бўлиб олайликки, ҳар бир ҳаракатимиздан Аллоҳ рози бўлсин: нигоҳларимиз одамларнинг юрагига чўғ туширшин, сўзларимиз оғриб турган жойига малҳам бўлсин, ёшу қарининг рўбарўсида тавозе билан турайлик, юзимизда фақат меҳрибонлик балқисин. Энг муҳими ниятимиз мусаффо бўлсин! Ички ва ташқи амалларимизни севиб қолсинлар. Ана ўшандагина бизга эргашадилар.

Турсуной СОДИҚОВА

(Давоми бор.)

ҚАЛБИМДА ИЛОН САҚЛАГАН ЭКАНМАН...

Ёшим 28 да. 1994 йил ноябр ойида Анвар исмли йигит билан тўйимиз бўлиб ўтди. Мен оилада биринчи фарзанд эдим. Уйимиздагилар биринчи тўйимиз, деб не орзу-умидлар билан мени шу хонадонга келин қилиб беришди. Ўзимга яраша орзуларим, ҳавасларим бор эди. Лекин "келинлик даври" менга насиб этмади. 1994 йил 6 ноябр мен учун энг қайғули кун бўлиб қолди. Чунки шу куни мехрибон онаизоримдан айрилиб қолдик. Онажоним тўйимни шошиб кўрдилару, безатилган уйларимни кўриш насиб этмади. Онажонимнинг охирги сўзлари куёвларига: "Қизимни сизга топширдим, кўз ёшларини оқизманг, ўғлим",- дедилар. Куёвлари ҳам: "Менга ишонаверинг, мен уни кўз ёшларини оқизмайман", деб онамни дуоларини олдилар. Онажоним болалар шифокори бўлиб ишлаганлар, бутун маҳаллакўйга кўлларидан келган ёрдамни аямаганлар. 47 ёшларида бу фоний дунёни тарк этдилар. Жойлари жаннатда бўлсин!

Ундан сўнг мени ҳолатимни кўрсангиз эди. Кўзи кўр, қулоғи кар бўлиб қолдим. Ука, сингилларимни додфарёдини эшитган одамнинг юраги ёрилар эди. Лекин ҳаёт давом этаверар экан. Мени кўрсангиз эди, икки хил қиёфада юрар эдим. Келин бўлиб тушган хонадонимда келинлик либосида, кўчада кўзимда ёш, бошимда қора рўмол. Менга бу "ролларни" ўйнаш қанчалик қийин бўлганлигини билсангиз эди. Йўл кўрсатадиган, дардлашадиган ҳеч кимим йўқ эди. Менга онамни ўрнини босадиган қайнонам ҳам турли хил нарсаларни баҳона қилиб уриш-жанжал қилар эдилар. Қайнотам ҳам қайнонамнинг чизган чизиқларидан чиқмас эдилар. Мен тушган оилада эркак эмас, аёл киши ҳукмдор эди. Бу хонадонга бирор меҳмон, қўшни аёллар келмас эди. Бу хонадон кишиларига одам "иси" ёқмас эди. Уйда ҳар куни уриш, тўпалон. Шу орада мен ҳомиладор бўлдим. Онамнинг маъракалари бўлаётган кезлар эди. Қайнонам адажонимни чақириб: "Уй кўрар қилиб келмадингиз, ўшани нарсаларини бешик тўйига қўшиб олиб келарсизлар", дедилар. Ахир шу гапларни ўқитувчи бўла туриб, она бўла туриб қандай қилиб 5 фарзандни эркак боши билан боқаётган адажонимга айтиш юракларига сиғди экан. Лекин адажоним қарз олиб бўлса ҳам эркак, ҳам аёл бўлиб бешик, сўнг ўғил тўйларни бекаму-кўст қилиб олиб келиб бердилар.

Шундан сўнг ҳам қайнонам уриш-жанжални тўхтатмас эдилар. Нуқул қайнотам орқали уриш-жанжал қилар эдилар, турмуш ўртоғим билан уришишар эдилар. Турмуш ўртоғим овозини баландроқ қилиб рост гапирсалар, "Хотин йўлда, она топилмайди", дер эдилар. Шундан сўнг турмуш ўртоғим аламларини идиш-товоқлардан олиб, синдириб ташлар эдилар. Катта тўпалонлардан сўнг мен 2 яшар ўғлимни олиб уйга кетиб қолар эдим. Чунки, мени у уйда ҳеч ким тушунмас эди. Кетиб қолган пайтларимда отам, бувим, холаларим, маҳалла хотин-қизлар раиси олиб бориб яраштириб келишар эди. Охирги марта 1999 йил сентябр ойида уйимга келган қайнэгачим уриш, тўпалон қилиб ота-онаси билан биргаликда шундай тўҳмат, уятли гаплар гапиришдики, ундай гапларга одамзот чидай олмасди. Уриш, тўпалон бўлишидан олдин мен билан "она бола" бўлиб овқат қилишаётган қайнонам ҳам ўзларидан ўзлари қўл кўтариб уришиб кетдилар. Қайнотам бўлсалар: "Секинроқ, дарвоза, эшикни ёпиб келай, кейин давом эттирасанлар",- дедилар. Инсофли, мусулмон инсон бўлсалар шундай гапларни айтармидилар? Мени уйдан зўрлаб ҳайдаб юборишди. Шу куни турмуш ўртоғим навбатчиликда эдилар. Эртасигаёқ уйимизга бордилар. "Отангга айт, олиб бориб қўйсинлар, мен олиб кетсам менга кун беришмайди",- дедилар. Отамнинг юракларини мазаси йўқ эди. 2 ойдан сўнг холам олиб бориб қўйдилар. Лекин қайнотам ҳайдаб юбордилар. Ундан сўнг маҳалла хотин-қизлар раиси борди, уларни ҳам ҳайдаб юбордилар. Биз эрим билан яширинча учрашиб юрдик. 2000 йил июн ойида менга ҳам гапирмай ажралиш тўғрисида судга ариза бердилар. Судда мени суюқоёқ, шаллақи, деб қандайдир кафеда эркак киши билан ушлаб олганликларини гапирдилар. Бу гаплар тўҳмат эди. Зўрға йиғлаб ўзимга келдим. Судья 3 ойга ярашишга муддат берди. Шунда турмуш ўртоғим: "Мен буни хотин қилмайман, фақат ўғлимга ачинаман",- деди. 3 ой ичида турмуш ўртоғим бизни уйга ҳеч нарса бўлмагандек келаверар, отамни эса суддан хабарлари йўқ эди. Онажоним уларга "иссиқхона" қилишга ёрдам берар. Биз учрашиб юравердик. Хуллас 3 ойдан сўнг эримнинг уйига аммам, қўшнилар боришди, лекин уларни ҳам қайнотам ҳайдаб юбордилар. Кейинги судларда турмуш ўртоғим ота-оналари билан келишди. Шундай тўҳмат, уятли гапларни айтишди. Яъни ўғри, эркаклар билан учрашиб юради деб ёзиб бўлмайдиган ҳар хил гапларни қайнотам айтдилар. У ҳам етмагандай укаларимни, сингилларимни шаънига доғ тушади, деб ўйламай маҳалламизга 10-15 эркак кишини олдида ҳақорат, тўҳмат, уятли гаплар билан турмуш ўртоғим, қайнонам, қайнотам уялтиришди. Ахир мусулмон инсон, иймонли одам бундай гапларни гапирмайди. Қуръони каримда ҳам: "Ёмон инсонга ҳам, яхши гапир" дейилган. Мусулмончиликда бировни дилини оғритиш гуноҳ-ку, ахир!

Мен ёшдирман, ахир улар кўпни кўрган инсонлар-ку, мени бошимга тушган мусибатларни била туриб шундай қилишса. Шунча гап-сўзлардан кейин ҳам турмуш ўртоғим мени олдимга келар, ўғлимга нарсалар олиб берар эдилар. Мен уларга: "Нега ундай тўҳмат гапларни айтдингиз",- десам, "Отаонам олдида шундай, дедим",- дер эдилар. Биз яна учрашиб квартирама-квартира юрар эдик. Турмуш ўртоғимга: "Биз ҳам инсонларга ўхшаб яшайлик", десам, "Вақт келсин шундай яшаймиз",- дер эдилар. Охири судьялар бизни уйга олиб кириб қўймоқчи бўлдилар. Улар рози бўлишмади. Уриш-тўпалонлар билан мени уйдаги нарсаларимни сотиб ёнига қўшиб квартира олишди. Мени ажрашиш, ўғлимни етим қилиш нияти йўқ эди. Чунки, онасиз укаларим, сингилларим, қолаверса ўзимнинг қанчалик қийиналиб яшашимиз ёлғиз Оллоҳга аён эди. Аслида ажрашган болаларини етим қилган инсонлардан нафратланар эдим. Шунинг учун фарзандимга яхши бўлсин деб чидардим.

Квартира олгандан сўнг ҳам турмуш ўртоғим билан учрашувларни давом эттириб юравердик. Мен ярашиш учун яна уларникига дугонамни онасини, қўшни аёлларни юбордим. Лекин фойдаси бўлмади. Қайнотам: "Ғишт қолипдан кўчган",- деб уларни ҳайдаб юборибдилар. Турмуш ўртоғим дарҳол ўзларига турмуш ўртоқ топиш учун қизлар билан учрашиб юрган эканлар. Бу ишлардан мен бехабар эдим. Ёнимга келганда ундай нарсалар тўғрисида гапирмас эдилар. Тасодифан узоқ қариндошларидан тўйга тайёргарлик қилишаётганини билиб қолдим ва ишонмадим. Сўнг 2001 йил 5 июлда тўй эканлигини айтишди. Шунда ҳам эрим олдимга келганда ҳеч нарса тўғрисида гап очмас, алоқада бўлиб юрар эдик. Мен улардан шу ҳақда сўрасам: "Ахмоқмисан, ҳаммани гапига ишонаверасанми", дедилар. "Ўғлимга кийим керак",- десам, "Пулим йўқ", дедилар. 5 июл кечқурун дугонамнинг укасини машинасида "миш-миш"лар ростмикан деган хаёлда турмуш ўртоғимнинг уйларига бордик. Не кўз билан кўрайки тўйга тайёргарлик бошланганди. Ишонмадим, сўнг дугонамнинг укаси нима бўлаётганини бориб билиб чиқди. Эрталаб наҳорга ош, кечқурун кафеда базм экан. Ахир 6 яшар ўғли бўла туриб, уни қўлини ҳаҳолаб юртга ош бериш ўрнига тўй қилиб уйланадими? Шу куни ёнимда дугонам бўлмаганда, мен ўзимни бир нарса қилиб қўйишим ҳеч гап эмас эди.

Тўйдан 2 кун ўтгач, турмуш ўртоғим отамнинг уйларига телефон қилиб ўғлимни сўрадилар. Мен ўша ерда эдим, телефонни олиб гўёки билмаган кишидай, "нега ўғлингизни олдига келмадингиз, бугун паркка олиб бормоқчийдингиз-ку",- десам, "Мени мазам йўқ, ошқозоним оғрияпти",- деб алдади. "Тузалсам бораман",- дедилар. Мен шундан сўнг: "Уялмайсизми, киши шунчалик ҳам ёлғончи бўладими?" десам, трубкани қўйиб қўйдилар. Эртаси куни уялмай бизни уйга келдилар, мен эшикни очмадим. Уриш, тўпалон қилдилар. Уйда жим ўтиравердим. Энди эса ўғлимни боғчасига келадилар. Ниманидир баҳона қилиб телефон қиладилар. Вақт яхши даво экан. Инсон бора-бора ҳамма нарсага кўникар экан. Жуда қаттиқ хафа бўлдим, юрагим ҳам эримга нисбатан музлади, кўрсам ичимдан йиғлайман, устимда нафратланаман. "Нега вақтида алоқани шартта узмадим" деб афсусланаман. Шу сўзларни ёзаяпману кўзларимдан дув-дув ёшлар оқаяпти. Сабаби, мен суюқоёқ, енгил табиат, товламачи аёл эмасман. Балким ҳаётда мени ҳам хатоларим бўлгандир, ўзимни ипоқман деб ҳам ҳисобламайман. Менга ўз вақтида тўғри йўл кўрсатадиган онажоним тирик бўлганларида балким шундай ишлар бўлмас эдими? Балким тақдирдир?! Эркак киши икки хил қиёфада юриши бу иймонданми?!

Бу инсонга мен энди қандай муносабатда бўлишим керак, мен уларни шунча ёлғон гапларидан сўнг кечиришим ўринлими? Қиз болани тўй қилиб олибдилар, мен яна бир оилани бузилишини истамас эдим. Мени фарзандимга ўз отаси оталик қилмади, бегона оталик қилармикан? Қадамини ўйламай босадиган йигитларга ҳам жазо бормикан?

Сизларни фикрларингизни кутиб қоламан.

Нигора ВАЛИХЎЖАЕВА

Дил изҳори

ЎЗИМДАН ҲАМ ЎТДИ

Бундан 11 ой олдин мен бир йигит билан танишдим. Қисқаси, акам хизматга кетди, хизматдошлари ичида ҳамшаҳарлик бир бола бор эди. Унинг исми Ҳ. У уйга келди. Онам ва мен уни кўришга ва акамни ҳолаҳволини билишга бордик. Борган кунимиз уйида одам кўп экан. Бизлар озгина ўтириб, кетамизга тушдик. Шунда бизни Ҳ. билан акамнинг синфдоши К. ака кузатиб қўйди. Эртаси соат 8ларда телефон жирингади. Трубкани онам олдилар ва менга узатдилар. Олсам Ҳ. экан. Акангиз хат ва расм берувди, шуни қачон олиб бориб берай",- деди. Мен хоҳлаган вақтингиз кела қолинг, дедим. Ўша куни келибди. Лекин мен ва синглим айланишга чиқиб кетувдик. Кечгача бизни кутиб ўтирибди. Аммо онам бизга: «Ҳеч қандай хат ҳам, расм ҳам бермади» - дедилар. Эртасига у яна келди. Уйга кириб мен билан суҳбатлашди. Кейин икковимиз телефонда кечаю-кундуз гаплашадиган бўлдик. Кечқурунлари учрашдик. Бир куни синглиси билан келиб мени онамдан сўраб тўйга олиб кетди. Тўйдан қайтаётганда йўлда мени ёқтириб қолганини ва унга ишонишимни айтди. Мен иккиланиб, рози бўлдим. Хуллас биз бир-биримизни қаттиқ севиб қолдик. У менга, мен унга ўрганиб қолдим. Бу гаплардан уни ҳам, мени ҳам уйдагиларим хабардор эди. Бунга қарши чиқишмади. Орадан ойлар ўтди. Негадир онасининг менга нисбатан норози бўлиб қолганини сездим. Сўнг онаси менга телефон қилиб ўғлини бошқа безовта қилмаслигимни сўради. Мен ҳеч нарса демай гўшакни қўйдим. Ҳ. ёнимга келганида унга ҳаммасини айтдим. Уни жаҳли чиқиб уйига кетди. Орадан 1-2 соатлар ўтиб синглиси телефон қилди ва "Агар онамга бирон нарса бўлса, мендан яхшилик кутма", деб трубкани қўйди. Кейин билсам Ҳ. уйга бориб уриш қилибди. "Мен фақат шу қизга уйланаман", - дебди. Қисқаси онаси уйимизгача келди. Онам мени роса уришди. Шундан кейин мен учрашмасликка қарор қилдим. Аммо у ҳам, мен ҳам чидолмадик. Нима бўлса ҳам пешонамиз-да деб юравердик. Бир куни Ҳ. ёнимга келиб: "Агар бирга бўлишимизни истасанг мен билан қочиб кетасан",- деди. Мен бунга албатта рози бўлмадим. Сўнг бошқа куни у яна келиб: " Агар менга ўзингни бахшида этсанг, биз тезроқ бирга бўламиз ва ота-онамизнинг ҳам рози бўлишдан бошқа иложи қолмайди", - деди. Мени жаҳлим чиқиб "Ҳеч қачон", дедим. Хуллас бир куни Ҳ. менга: "Бир жойга борамиз, онангдан бир қунга жавоб ол",- деди. Мен рози бўлдим. Ўша куни у мени бир дўстларини уйига олиб борди, ва биз ўша ерда қолдик. Биз севги лаззатидан баҳраманд бўлдик. Эртасига у яна ёлғон ваъдалар бера бошлади. Бора-бора мен билан иши бўлмайдиган бўлиб қолди. Кўришга ҳам деярли келмай қўйди. Сабабини биролмадим. Ўртамиздаги хиёнатдан жуда эзилдим. Охири синглим чидолмай онамга ҳаммасини айтди. Онамни қандай аҳволга тушганини тасаввур қилолсангиз эди. Онам унга телефон қилдирди. Қисқаси у бўйнига олмади: "Ўртамизда ҳеч нарса бўлгани йўқ",- деди. Мен чидай олмай уйига бордим. Чунки, Ҳ. мендан воз кечишига ишонмагандим. Унинг уйига киришдан олдин билмайман нима мақсадда кўлларимни венасини кесдим. Усти-бошим қон уйга кирдим. Уйда Ҳ. ҳам, онаси ҳам йўқ эди. Синглиси билан тортишиб қолдим. Уйларидан қандай чиқиб кетганимни билмайман. Йўлда машина уриб кетибди. Лекин ҳеч нарса бўлмабди. Онам мени қаерлардан топиб уйга олиб келиб кўлларимни шифокорга кўрсатибди. Кечқурун Ҳ. онаси ва холаси билан бизникига келди. Онам уларни совуқ кутиб олдилар. Холаси балки икковларини учраштирармиз деди. Онам рози бўлдилар. Эртасига учрашдик. У юзимга тик қараб қулиб: "Ўртамизда ҳеч нарса бўлгани йўқ-ку",- деди. Мен чидай олмадим ва унга: "Сени Худога солдим",- дедим. Балки буларни ҳаммаси ўткинчидир. Аммо қалбимни бир савол қийнайди. Ҳ. менсиз қандай яшаяпти? Уни виждон азоби қийнамаяптимикан? Азизим "Оила ва жамият", менга маслаҳат беринг, нима қилай энди. Уни кутиб яшайми? Жавобини кутиб қоламан. Агар мен хато қилган бўлсам уни тўғрилашни иложи борми?

МАДИНА

МУНИСУ МУШФИҚ ЭДИ...

Мени илк бор муҳаббат гулшанига олиб кириб, севиш ва севилиш бахтига насиб этган, сал кам 40 йил бир ёстиққа бош қўйиб, ниҳоят мени тақдирга тан беришга ундаб, ўзи фоний дунёни ташлаб боқий дунёга риҳлат қилган меҳрибоним, умр йўлдошим Ҳожарбибидир.

Мен у билан университетга ўқишга кирганимда танишдим. Бошқа қизларга нисбатан жиддийлиги, ўқитувчиларга бийрон саволлар билан мурожаат қилиши, кўпроқ китоб мутолаа қилиши диққатимни тортиб, унга нисбатан қандайдир муҳаббат пайдо бўлди. Лекин бу ҳали севги эмас, унга нисбатан ҳурмат эди. Ўша пайтлар университет газетасида "Курсдошлар курсдошлар тўғрисида" рукни пайдо бўлди ва мен бу қиз - курсдошим тўғрисида мақола ёздим. Унинг бор хислатларини таърифладим.

Беш йиллик талабалик даври ҳам ортда қолиб, университетни имтиёзли диплом билан битиргач, тўйимиз ҳам бўлиб ўтди. Мен илмий ишларга шўнғиб кетдим, аспирантурага ўқишга кирдим. Лекин у аспирантурага киришга кўнмади: "Мен сизга кўмакдош бўлай, бахтимизга сиз омон бўлингу олим бўлинг", - деди.

Аспирантура муддатини охиригача етказмай, муддатидан олдин номзодлик рисоласини ҳимоя қилишимга унинг мадади беқиёс эди. Сал ўтмай, илмий унвонли ҳам бўлдим. Ишлар изга тушиб кетди. "Эр-хотин - қўш хўкиз" деганларидай, икковимиз топган-тутганимизга уй қурдик, жиҳозлар олдик, машинали бўлдик. Лекин... фарзандимиз йўқ эди...

Қарасак, тенгқурларимиз болаларининг суннат тўйларини, мучал тўйларини ўтказишяпти. Ўзимиз ҳам ўттизни орқада қолдирибмиз.

Кексалар маслаҳати билан дўхтирларга, хонаки табибларга мурожаат қилдик. "Икковингиз ҳам соппа-соғ, бола бўлиши керак!", уларнинг хулосаси шу эди. Айтилган амалларни қилдик, зиёратгоҳларга бордик, назр-ниёзлар қилдик, ўша вақтларда очиқ-ойдин мумкин бўлмаган, яширинча ўқийдиган муллаларга мурожаат қилиб, ўқитдик. Натижа эса...

Бир куни хотиним: - Азизим, малол келмаса, Сизга бир гап айтаман: Сиз бошқасига уйланинг, - деди.

Бехосдан айтилган бу сўз мени довдиратиб қўйди.

- Нималар деяпсан, кимдан чиқди бу фикр? - дедим.

- Бу гапни биров менга ўргатгани ҳам йўқ. Умримиз ўтаяпти... Сиз "йўқ" деманг. Маъқул кўрган қизингизни айтинг. Ўзим совчиликка бораман. Агар мени ҳайдаб юбормасангиз, болаларингизни ўзим катта қиламан. Ахир Сиз эркаксиз. Элнинг тўйини еб келаяпсиз. Тўй қилишингиз керак. Юртга ош беришингиз керак. Қолаверса, ёшингиз ҳам қирққа яқинлашиб бораяпти. Ўринбосар керак. Кейин кеч бўлади...

Хотинимнинг чин юракдан айтаётган гаплари мени ҳайратда қолдирди. Нахотки шунча йил бир ёстиққа бош қўйиб, бирга меҳнат қилиб, уй қуриб, кам-кўстимизни бут қилиб, бир-биримизга ҳатто баланд овозда гапирмаган бўлсак, неча йиллар бир-биримизни асраб-авайлаб келаётган бўлсагу энди мен бошқасига уйлансам. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!.. Мен кўнмадим...

Ниҳоят, кўп ўйлаб, бир хулосага келдик: Бола асраб оламиз! Лекин таг-туги тоза, боқиб катта қилишга арзийдиган бўлсин.

"Олтинчи боласини туғиб, кўп қон йўқотиш туфайли тезда ёрдам ололмаган аёл оламдан ўтибди". Яқин дўстимнинг қариндоши экан, бу хабарни бизга етказди. Чақалоқни 6 кунлигида туғруқхонадан олиб келдик. Яхши умидлар билан Умида деб ном қўйдик. Уйимизда гўдак овози, йиғиси пайдо бўлди. Меҳрибонимнинг қувончини кўрсангиз эди, ўша онларда!

- "Ўзи туғмаган болани боқиш осонми?"

- "Мурғаккина гўдакнинг муаммолари кўп, бу аёл билармикан уларни?.."

Ва яна нималар демади одамлар.

Дарвоқе, болани катта қилиш осон бўлмади: суньий сут, кичкинагина қизалоқни у шифокордан бунисига олиб чоп - буларнинг барисига чидади меҳрибоним. Кечасию кундузи ухламай чиққан онлари беҳисоб эди.

Умидажон 1 ёшга тўлганда, маҳалла-кўй, қариндошларни чақириб, тузуккина бешик тўйи қилиб, эл-юртга ош бердик.

Умиданинг тили чиқиб, боғчага қатнайдиган бўлди. Ким кўрса: "Худди онасининг ўзгинаси" дерди. Бир олманинг икки палласи эди улар.

- Қиз бола бировнинг фарзанди.

- Битта ўғил болани ҳам катта қилинг...

Яна маслаҳат берадиганлар кўпайди. Лекин ҳаммадан ҳам Умиданинг:

- Боғчада болаларнинг укалари бор. Менга ҳам укача олиб келинглар... - дейиши...

Қизчамиз тўрт ёшга тўлганда яна ўша дўстимиз бир хабар топиб келди: Яқиндагина автомобил фалокатига учраб ҳалок бўлган бир дўстининг хотини эгизак - бири ўғил, бири қиз туғибди. Учта ўғли бор экан, қизчани ўзига олиб қолиб, ўғилчасини бировга бериш нияти бор экан...

Ниҳоят, ўғиллик ҳам бўлдик. Наврўз кунлари туғилганлиги ва бизга ҳам наррўз - янги кун олиб келганлиги ҳамда уйимизда ҳамиша Наврўз бўлишини ният қилиб Наврўз исм қўйдик.

Йиллар ўтиб, болалар ҳам улғайди. Болаларни авайлаб, асраб катта қилдик, ўқитдик. Улар ота-она касбини олди: бири ўқитувчи, иккинчиси журналист. Айтишларича, Наврўз бутунлай менга ўхшаб кетаркан... Парвардигорнинг меҳр-шафқатини қаранг.

Уйимизда тўйлар устига тўйлар бўлди: қизимизни узатиб, ўғлимизни уйлантирдик. Ўғил, қиз- неваралар қатор. Ҳамма ҳавас қилса арзигулик, тинч-осойишта оила эдик. Бир жойда қарийб 40 йил ишлаб, обрў-эътибор билан нафақага чиққач, набиралар қуршовида энди роҳатфароғатда дам олиб, қарилик гаштини суриб юриш пайти келганда, ногаҳон ёмон кўз тегди меҳрибонимга.

Бор бисотини шу икки фарзанди учун атаганди у. Ўзи оддийроқ кийинса-да, келин-қизига, ўғил-куёвига, бири бирдан ширин неваларини кийинтирар, ҳар бирининг ебичишидан доимо хабардор бўлиб турарди. Уларни тўғриликка, ҳалол-покизаликка, ҳақиқатгўйликка ундарди.

Қўни-қўшнилар, қариндошдўстлар, ҳамкасбларнинг маъракаларидан қолмас, имконияти борича уларга ёрдам қўлини чўзиб турар.

Уй-рўзғор, борди-келди, меҳмондорчилик - бари бизда бамаслаҳат бўлар. Қизига нимаики олса, келинига ҳам шундан оларди.

Жиззакилик, енгилтаклик, ёлғончиликни ёқтирмасди у. Эрига хиёнат қилган аёлларга нафрат билан қараб, танноз танфурушлардан ҳазар қиларди. "Бунақаларга этагинг тегса қирқиб ўт" деб насиҳат қиларди у қизларга.

Бир сўз билан айтганда том маънодаги жаннати аёл эди у...

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, Рамазон ойи бошланди. Анча йиллардан буён рўза тутишни канда қилмай келаётган меҳрибоним билан уч кун бирга саҳарлик қилдик. Тўртинчи куни "мен чойингизни қилиб бераману, лекин мазам бўлмаяпти, Худонинг ўзи кечирсин..." деб қўйди.

Яна бир-икки кун ўтгач: - саҳарлик чойни ҳам келин қилиб берсайди, мени фақат уйқу босаяпти, деди.

- Юр, шифокорга кўрсатай, нима бўлди сенга? - дедим.

- Рамазондан соғ-омон чиқсак, кейин... - деди.

Ўша тонг эрта туриб, ҳовли юзини бир айланиб келди. Кейин ёнимга ўтириб, нима учундир бир нуқтага узоқ қараб турди. Кейин, бирдан:

- Дадаси, сафар яқинга ўхшаяпти. Қайтиб келмайдиган сафар!

- Нималар деяпсан? Ҳали сен кўп яшашинг керак. Болаларнинг ҳузур-ҳаловатини кўриш насиб этсин, - десам, юзимга қараб мунгли табассум билан:

- Сизга қийин бўлади. Қиз, келин "маҳрами тан" бўлолмайди... Лекин бева аёлга уйланманг. Айниқса, эридан ажралганига. Унақасини қайта тарбиялаш қийин. Турмуш қурмаган "қариқизлар" кўп.

Бу сўзларини эшитиб, юрагимга ғулғула тушди. Кўзларимга беихтиёр ёш келди. Буни кўриб у:

- Йиғламанг, дадил бўлинг. Барча қилган яхшиликларингизга рози бўлинг. Бирга ўтказган ширин дамларимизни эслаб юринг... Болалардан хабардор бўлиб туринг. Уларга энди икки карра эмас, тўрт карра масъулсиз... Мен учун ҳам... Чала қолган китобингизни ёзинг... Темуржон, Бехрузжонларнинг тўйини кўрсам дегандим...

Шу пайт тўрт яшар набирамиз Фирузабону "Ассалому алайкум" деб кириб келди.

- Нимага йиғлаяпсиз, бобожон? Бувим уришдиларми? - Жаҳжигина боланинг бу саволига нима дейишни билмай қолгандим, меҳрибоним:

- Сенга иккита марсия ёзиб бераман. Бири ўзим учун... - деди-ю гапни бошқа томонга буриб юборди...

- Қизингизникига анчадан бери борганимиз йўқ. Неваларимнинг туғилган кунлари яқинлашаяпти. Шу баҳонада ҳам бир ифтор қилиб келамиз, юр.

Шундай ниятлар билан бозор қилиб келдик. Лекин шу кечаси машъум дард ўз ишини қилди. 17 январ, эрта тонгда бандаликни бажо келтирди. Кўзим ўнгида меҳрибоним, ғамгусорим, худди ўша - бундан 44 йил бурун кўргандай чиройли ва жозибали. Кекса кампир қўшнимизнинг қўлида "калимаи тайиба" айта туриб, жон таслим қилди у. Сўнгги сўзларини айтолмасдан кетди у...

Майит кийимларини алмаштираётган пайтда унинг нимчасидаги кўкрак чўнтагидан букланган бир газета чиқади. Очиб қарасалар, бундан 40 йил олдин ёшлар газетасида босилган менинг суратим билан биргаликдаги "Ишқ ва рашк" ҳикояси эди.

Азизлар! Мен меҳрибонимнинг айрим фазилатлари тўғрисида ёздим, холос. У ўз эрига ихлос қўйиб, эъзозлаган, уни авайлаб-асрашни мўътабар ҳадислардан ўрганган аёл зоти эди. Шунинг учун ҳам у ҳамиша қалбимда, юрагимда. Эртаю кеч унинг руҳи покига дуои фотиҳа бажо келтириб, унга жаннатдан жой ато қилиб, Кавсар сувидан баҳраманд этишни Худои таолодан сўрайман. Умрининг қолганини болаларига, неваларига насиб этсин. Ушалмаган орзулари болалари туфайли амалга ошсин, дейман.

Аслиддин ҚАМАРЗОДА
Самарқанд

Хотира — муқаддас

ЖУДОЛИКДАН БАҒРИМИЗ ҚОН

Яқин 2 йил ичида 3 кишини йўқотиш ичу бағримизни зардоб қилди. Сизларга мактуб йўллаяпману, маржонмаржон кўз ёшларимни тия олмаяпман. 2000 йил 1 август куни бизнинг оиламиз оғир жудоликка учради. Мунис, меҳрибон, ширинсўз онажонимиз, Мунирахон Убайдулла қизи 63 ёшларида бандаликни бажо келтирдилар. Биз оилада тўрт қиз фарзандмиз. Онамиз вафотидан кейин биз отамиз билан қон қақшаб қолавердик. Орадан 1 йил ўтиб Мукамбар опамнинг ўғли Бахтиёржон сувга чўкиб, айни навқирон 18 ёшида очилмаган ғунчадай хазон бўлди. Опам бу жудоликни кўтара олмадилар. Бахтиёржон қазо қилганига роппа-роса 60 кун бўлди деганда, опам ҳам бизни тарк этдилар. Опам ҳаёт бўлганларида 44 ёшни қаршилаган бўлардилар. Илоҳим, онажоним, опажоним ва Бахтиёржоннинг руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин.

СОАТОВЛАР оиласи
Тошкент шаҳри,
Акмал Икромов тумани

ФАРЗАНД ДОҒИ ЁМОН...

Ҳар гал қўшнимиз Ойдинисо онани кўрганимда бу мудҳиш воқеа ёдимга келаверади. Қачон қарасам, қачон ҳамсуҳбат бўлсам, онанинг юзи сўлғин, кўзлари маъюс боқади гўё. Ўзлари нафақада, турмуш ўртоқлари ҳам нафақага чиққанлар. Улар оилавий деҳқон оиласи. Ўғил-қизлари бирдай меҳнаткаш. Аммо онанинг ўғилларидан бири Мухторжон иш вақтида автоҳалокат натижасида оғир шикастланиб, бу оламдан 25 ёшда кўз юмди. Жуда келишган, чиройли, баланд бўйли, хушмуомала йигит эди. Оилани, бир ўғилнинг отаси эди. Яқинда Мухторжоннинг таваллуд куни. Мен Мухторжон Мирзаевнинг жойи жаннатда бўлишини яратгандан тилаб қоламан. Унинг ота-онасига, оиласига, ака-укаларига сабр-бардош тилайман.

Муҳайё БЕРКИНОВА
Жиззах шаҳри

СОЧЛАРИМ ЧАРЧАДИ...

Сўраган эдингиз

Ҳар хил шампунларда ювишдан, бўёқлардан, химия ва лаклардан сочларим чарчаб кетди. Уларни соғлом ҳолатга келтиришнинг наҳотки иложи бўлмаса?

ЛАТОФАТ

Тошкент

Албатта иложи бор. Бўлганда ҳам оддий. Энг асосийси пулингизни беҳуда совурмайдиган яхшигина муолажалар бор.

Масалан, сочларингиз қуруқ ва нормал бўлса сигир сутидан тайёрланган ёғлиқ қатиқни бир неча минут суртиб қўйиб, сўнг илиқ сувда яхшилаб ювиб ташланг. Қатиқ айниқса зардобли бўлса сочларингизга ва бош териси учун жуда фойдали бўлиб бундан ҳар томонлама фойда кўрасиз. Сочингизда қазғоқ ҳам бўлмайди, соч илдизлари яхши озиқланади, толалари эса синмайдиган бўлиб, чиройли жилоланиб туради. Ҳар ҳафтада бир марта қатиқ билан ювиб, бироз вақт ўтгандан сўнг шампунда ювишингиз мумкин.

Майонездан фойдаланинг. Бунинг учун сочларингизга, бошингиз терисига яхшилаб майонез суртасиз-да, полиэтилен халтачаси билан бошингизни яхшилаб ўраб қўйиб 1-2 соат давомида юрасиз. Сўнг илиқ сув билан ювиб ташлайсиз.

2-3 ой мобайнида ҳар ҳафта юқоридаги муолажадан фойдаланишингиз мумкин. Бу давр ичида сочларингиз соғлом ҳолатга келади.

Ёғли сочлар учун 2-3 ош қошиқ сабзи сувига 1 ош қошиқ лимон сувини қўшиб аралаштирасиз-да, сочларингизга илдизигача яхшилаб суртиб, олдин полиэтилен халтача билан устидан пахмоқ сочиқ ўраб 10-15 минут кутасиз. Сўнг илиқ сувда ювиб ташлайсиз. Муолажани 2-3 ой мобайнида ҳар сафар бош ювишингиздан олдин такрорлайсиз.

Нормал сочларни унча ёғли бўлмаган янги ивитилган қатиқда ёки қайноқ сувга солиб қўйилган қора нонинг сувида ювиш яхши натижа беради.

Қуруқ сочлар учун тухумнинг сариғи ҳам яхши натижа беради. Тухумнинг сариғига бир неча томчи кастор ёғини аралаштириб ювса ҳам бўлади.

Ювилган сочларни энг охирида бирор бир дамлама билан чайиб юбориш жуда яхши натижа беради. Бунинг учун қадимдан фойдаланилиб келинаётган оддийгина усуллардан фойдаланишингиз мумкин. Масалан:

Оч рангли сочларни чайишда

а) 2 ош қошиқ мойчечакни бир литр қайноқ сувдаги дамламасидан;

б) жигарранг ва қора сочларни чайишда қизил пиёз пўстлари қайнатмасидан;

в) қора чой дамламасидан фойдаланишингиз мумкин.

✕ Сочларингиз жилоланиб, товланиб туриши учун яримта лимон ва 1 ош қошиқ сиркани бир литр сувда аралаштириб чайинг.

✕ Ёғли сочларни чайиш учун 2 ош қошиқ қуруқ хонтални (горчица) 2 литр сувда эритиб чайинг. Сўнг устидан илиқ сув билан ювиб ташланг.

Соғлом инсоннинг бошида 100-150 минг дона соч толалари бўларкан. Сариқ сочлар сони, жигарранг ва қора сочлардан кўпроқ бўларкан. Ҳар бир тола сочнинг умри 2-4 йил бўлиб, асрамасангиз бу муддатдан олдинроқ узилиб кетиши мумкин экан. шундай экан ҳар бир инсон гўзал сочларини асраб қолишни истаса сочни асраш ҳақидаги қуйидаги қоидаларга амал қилсин:

✕ Металл тароқлар, қаттиқ сиқиб қўядиган резинкалар ва ёмғирда соябонсиз очиқ юриш сочлар учун жуда зарарли.

✕ Сочингизнинг хусусиятини, (ингичка, қалин-қуруқ, ўртача, ёғли) билишингиз керак ва шунга қараб уни асрашни ўрганинг.

✕ Ҳар сафар бошингизни ювишдан олдин сочларингизни яхшилаб таранг. Калта сочларни илдизидан бошлаб, узун сочларни эса секин-аста учидан бошлаб тараб келинг. Бунинг учун пластмасса ва ёғоч тароқлардан фойдаланган маъқул. Узун сочлар учун массаж шўткаларидан фойдаланинг.

✕ Сочларингиз қуруқлашиб учлари ёрилиб қолган бўлса, мойчечак, зубтурум ва отқулоқ қайнатмаси билан чайиб ташланг.

✕ Кўримсиз, нурсиз бўлиб қолган сочларингизни асл ҳолига келтириш учун бир дона тухум сариғига бир ош қошиқ коньяк қўшиб аралаштирасиз-да, сочингизга суртасиз. Кейин полиэтилен халтача билан ўраб сўнг, устидан пахмоқ сочиқни ўраб оласиз. Орадан 30-60 дақиқа ўтгач, илиқ сув билан ювиб ташлайсиз.

✕ Сочингизни фен билан қуритишни бошнинг тепасидан бошланг

ЮЗ ТЕРИСИ ДАҒАЛЛАШИБ, АЖИН ТУШИШИДАН САҚЛОВЧИ НИҚОБЛАР

✕ Бир дона тухум сариғини олиб, 15 гр. зайтун мойи (оливковое масло) билан яхшилаб аралаштиринг. Ҳосил бўлган аралашмани юз ва бўйин теріларига суртиб, енгил уқаланади. 15-20 дақиқа ўтгач илиқ сув билан пахта ёрдамида артиб ташланади.

✕ 10 гр. хамиртурушни зайтун мойи билан қаймоқ ҳолига келгунича аралаштирилади. Тайёр бўлган аралашмани ҳам юзга суртиб 20 дақиқадан сўнг пахта ёрдамида илиқ сув билан тозаланади.

Шуни унутмаслик керакки, зайтун мойи қуруқ юз тери си учун фойдали. Юз тери си яхши бўлган аёллар мой ўрнига ҳар иккала ниқоб учун илитилган сутдан фойдаланганлари мақсадга мувофиқ.

✕ 1 ош қошиқ арпа (овсянка) унига помидор, шафтоли, лимон, апельсин ёки бодринг шарбатидан 1 ош қошиқ қўшилади. Хом сут (пиширилмаган) ёрдамида аралашмани бўтқа холига келгунча аралаштиринг. Юз ҳамда бўйин теріларига суртилган ниқоб озуқаларга бой бўлиб, терини тозалаш, озуқалантириб майинлашиши учун фойдалидир. Ниқоб 20-30 дақиқадан сўнг совуқ сувда ювиб ташланади.

НАРГИЗА тайёрлади

ЧИРОЙЛИ ШАХЛО КЎЗЛАР

Агар кўзларингизда ҳорғинлик ва маъюслик сезилиб турган бўлса, уни ҳеч қандай бўёқлар ёрдамида йўқота олмайсиз. Ёки бу бўёқлар билан борини ҳам янада кўпроқ бузиб қўясизда, бундан дилингиз ҳам ранжийди. Бу ҳолатни тўғрилашнинг ҳам иложи бор.

✕ Энг аввало тўғри дам олиш режимига риоя қилинг, яъни суткасига камида 8 соат ухлашингиз шарт.

✕ Эрталаб юзингизни ювганингиздан сўнг крем ёки гелдан суртасиз. Кечқурун эса эрталаб суртган кремни юмшоқ салфетка билан артиб ташлаб, қовоқларга (кўз атрофларига) мослашган кремдан суртиб қўйиш керак. Крем суртишнинг ҳам ўз тартиби бўлиб, бунда крем қовоқнинг четидан ичкарисига қараб оҳистагина суртилади.

✕ Йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар, айниқса, қиш ойлари, кўзнинг пастки қисмига ўзингиз қуйидаги оддийгина усулда тайёрланадиган кремдан суртиб юришингиз мумкин. Крем тайёрлаш учун тенг миқдорда (1:1) кастор ёғи ва чўчқа мойини аралаштирасиз, холос.

✕ Эрталаб ва кечқурун қовоқларингизни уқалаб қўясиз. Бунда албатта четдан ўртага қараб оҳистагина ва бир неча дақиқа уқаланилади.

✕ Мойчечак қайнатмаси билан кўзларни артиш ёки кўзларни сувга ботириб бир неча марта очиб ёпиш натижасида кўзларингиз тиниқ бўлади ва равшанлашади.

✕ Қуёшли кунларда қора кўзойнак тақиб юриш керак.

✕ Телекўрсатувларни иложи бўлса ёруғ бўлмаган ёки қоронғуликда томоша қилган маъқул. Агар узоқ вақт телевизор олдида ўтирадиган бўлсангиз, ҳар замонҳар замонда кўзларингизни телевизордан олиб, бир оз фурсатга бекитиб туринг. Акс ҳолда кўзларингиз ичи қуруқлашиб, намладиган бўлиб қолади. Бу эса кўзларингиз учун жуда зарарли.

✕ Агар ухлашга ётишдан олдин киприкларингизни кастор ёғи билан ёғлаб қўйсангиз улар қуюқ бўлиб ўсади ва ялтириб туради.

✕ Кўзингиз остидаги қорамтир кўриниш ва ҳалқачаларни ҳам йўқотишнинг иложи бор. Бунинг учун озгина творог олиб, ип газламадан бўлган юпқароқ рўмолчага солиб 10 дақиқа мобайнида кўзларингиз остида тутиб туринг.

✕ Ногаҳон кўзингиз атрофларида "ўрдак оёғига" ўхшаш салқиш, осилиш пайдо бўлдию нима қилишни билмай, руҳингиз тушиб кетади. Ҳеч ҳам руҳингиз тушмасин. Бунинг ҳам иложи бор. Бунинг учун бир ош қошиқ эритилган асалга озроқ арпа унидан ва яхшилаб аралаштирилган тухум оқидан қўшиб бўтқа тайёрлайсиз. Ва уни кўзларингиз атрофига суртиб қуригунча кутасиз. Қуригандан сўнг илиқ сув билан ювиб ташлайсиз.

✕ Агар кўзларингиз оқи қизғишроқ бўлса, ялтираб кўзга ташланмайдиган тендан фойдаланганингиз маъқул.

Лола АҲМЕДОВА тайёрлади

ЛАБ БЎЁҒИНГИЗ СИЗ ҲАҚИНГИЗДА СЎЗЛАЙДИ

Ҳар бир аёл албатта лаб бўёғидан фойдаланади. Айримлари эса бусиз ўзини ноқулай ҳис қилади. Бир неча кун ишлатилган лаб бўёғининг шакли унинг эгаси ҳақида кўп нарса айтиб бериши мумкин. Қани, лаб бўёғингизга бир қаранг-чи, у қандай экан.

УЧЛИ. Кичкина учли лаб бўёғи эгаси бўлган аёл қатъиятли ва ғайратлидир. Лаб бўёғининг учи қанчалик ўткирлашса, билингки шунчалик мақсадига эришиш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган, ҳазилкаш, лекин шу билан бирга жиддий аёлдир. Бу аёл одамларга ёрдам беришга тайёрдир, шунинг учун дўстлари ҳам кўп.

УЧИ ИККИГА БЎЛИНГАН. Лаб бўёғи унинг соҳибаси қизиқишлари кенглигидан қайси бирини танлашни билмайди. Жаҳли чиқиб кетиши ҳам осон.

УЧИ ЁН ТОМОНГА ҚИЙШАЙГАН. Шаклдаги лаб бўёғининг эгаси ғийбатчи ва иғвогардир. У ғайратли, янгилик сари интилишни яхши кўради.

УЧИ ТЕКИС. Лаб бўёғининг соҳибаси ўта хаёлпараст, ҳаммани тушунадиган, ҳақиқий дугонадир. Ундан ҳар доим яхши маслаҳат чиқади.

УЧИ ДУМАЛОҚЛАНГАН. Лаб бўёғи соҳибаси тартибли ва ўта дидлидир. Ўзининг асл башарасини очишни хуш кўрмайди. Шунинг учун ҳам у совуқ бўлиб кўринади. Яқинроқ келиб гаплашсангиз, кўнгли очиқ ва ажойиб инсон билан танишасиз. Лекин эҳтиёт бўлинг, уни хафа қилсангиз ўч олиши мумкин.

ДИЛАФРЎЗ тайёрлади



Ажойиб-ғаройиб

ИНСОН—ИНСОН БИЛАН ТИРИК

- Бу ҳикояни Қизилқум чўлида қарийб 40 йил шифокорлик қилган амаким Аҳадбобо Ғафуров сўзлаб берганлар,-дея қуйидаги икки воқеани гапириб бердилар.

БИРИНЧИ ҲИКОЯ

Аҳад бобо, яъни отамнинг акалари Қизилқум яйловларида чўпонларни даволаганлар, уларнинг ҳолидан доимо хабардор бўлганлар. Бир куни ўзлари турадиган чўлдаги ҳакимлик пунктидан 30 чақиримча наридан бир киши келиб, бетоб фарзандини кўрсатиш учун Аҳад амакимни уйига олиб борган. Аманим болани кўриб, турли доридармонлар бериб, пиёда уйга қайтибдилар. Йўл узоқ. Бунинг устига қарилик... Дуо ўқиб Оллоҳ таолога ёлвориб: "Эй худо, мушкулимни осон қил, орқа томондан бирор машина келса-ю, мени олиб кетса эди", деб кўнгилларидан астойдил ўтказибдилар. Бир пайт ҳақиқатдан ҳам бир енгил машина келаверибди. Яқинлашганида қарасалар, ҳайдовчи бундан бирон йил олдин ўзлари даволаган бир йигит экан. Қўл кўтарсалар ҳам сақламабди. Ҳаво ниҳоят иссиқ, кимсасиз чўли биёбон.

"Эҳ номард, машинангнинг тўхтатсанг асаканг кетармиди? Йўл кирангни берардим-ку?"- деб секин-секин йўлда давом этибдилар.

Илдам юраётган машинани бирдан ғилдирагидан бири тешилибди-ю, тўхтаб қолибди. Ҳайдовчи йигит тушиб у ёққа-бу ёққа қарабди ва Аҳад амакига кўзи тушибди. У киши секин келаётган эканлар. Йигит амакимни таниб машинани тўхтатмагани учун кечирим сўрабди. Тешилган балонни олиб, бошқасини қўйиш лозим. Йигит кўтаргични олибди, уни ўрнатиб балонни очаман деса, қумга ботаяпти. Нима қилиш керак?

-Шошманг, ҳозиргина йўлда мен бир темирни кўрган эдим, ҳозир олиб келаман", деб амаким 100-120 метр наридан бориб темирни олиб келибдилар. Ҳайдовчи йигит кўтаргич остига темирни қўйиб, тешилган балонни олиб, бошқасини қўйибди, амаким бироз ёрдамлашибдилар ва сўнгра ўз йўлларига равона бўлибдилар. Ҳайдовчи йигит кийимларидаги чангчунгни қоқиб, машинани юргазибди. Амаким ёнларида машинани тўхтатиб, ўзи пастга тушибди.

- Марҳамат дўхтиржон, машинага ўтиринг, мени кечиринг, мен ёшлик қилибман, -деб илтижо қилибди.

- Йўқ, раҳмат, оз қолди, етиб оламан!- дебдилар амаким.

- Кечира қолинг, амакижон, бир марта бўлибдида,-деб қайта-қайта кечирим сўраб амакимни машинасига ўтказибди. Бирпасда манзилга етиб келибдилар ва амаким уйлари ёнида машинадан тушибдилар.

ИККИНЧИ ҲИКОЯ

Асаларилари укам билан Қоровулбозор туманидаги яйловларга олиб бордик. Баҳор пайти ҳамма жой кўклам, қуёш ўз нурини сочади, баҳри-дилинг бу кўкламни кўриб очилади. Асаларилари жойлаштирдик, сув бор, озиқ-овқат, кўчма газ, яшаш учун ҳамма нарса муҳайё, аммо чўлда биздан бошқа ҳеч ким йўқ, куни билан асаларилардан хабардор бўламиз. Улар тинмайди, турли ўтлар, гуллардан бол йиғади. Орадан 3-4 кун ўтди. Бир куни пешинга яқин узоқдан бир киши кўринди.

- Ким бўлса экан?-деб ака-ука ҳайрон қолдик, чунки бу ерда ҳеч кимни учратмаган эдик.

Бир йигит етиб келди. Афтидан анчадан буён соч-соқоли олинмаган, кўйлакларини кир, оёғида йиртиқ этик. Саломлашдик, ҳол-аҳвол сўрадик. Бир пиёла чой устида суҳбатлашдик. Маълум бўлишича, бу йигит биздан анча нарида чўпонлик қилар экан. Унинг суҳбатидан қониқиш ҳосил қилдик.

- Эҳ, акажонлар. Мана 10 йилдирки, мен чўпонлик қиламан. Мингдан ортиқ қўйларни боқаман, суҳбатлашишга бирор киши йўқ. Ўзимга-ўзим гапираман, ўйнайман, куламан, инсон-инсонсиз туролмас экан. Одамларни кўриб, улар билан суҳбатлашишга зорман, худди Робинзон Крузодек. Одамларсиз яшаш ниҳоят қийин экан. Яқинда бир воқеа бўлди.

- Қўйларимни тонг саҳарда яйловга ҳайдаб бордим. Уларни 3-4 соат боқиб, қоринларини тўйдириб келдим ва қумғонда чой қайнатиб, эрталабки нонушта қилиб ташқарига чиқдим. Қўрамиз олдидан бир йўл ўтади, айрим чўнтаги кўтарадиганлар дам олиш учун чўл ичкарисига борадилар, гул терадилар, овқат қилиб, яхши дам олиб сўнгра яна енгил машиналарида қайтадилар. Қарийб бир ойдан бери ҳеч кимни учратмаган эдим. Одам-одамни ҳар куни кўрмаса, суҳбатлашмаса бир қизиқ ҳолга тушар экан. Мен ҳам "бирор инсонни учратсам", деб кўнглимдан кечириб турган эдим. Бир пайт кўнглимдагидек бир волга машинаси менга қараб кела бошлади. Қўл кўтариб «тўхтанг» десам ҳам қулоқ солмай ўтиб кетди.

- Ҳа номард, бир оз вақтингни берсанг нима бўлар эди,-деб афсус қилдим. Шу пайт қайси кўзим билан кўрайки, машинасини олдинги чап томон ғилдираги тешилиб тўхтаб қолди, ёрдам берай деб чопиб бордим, машинани эшиги очилиб 40-45 ёшли, бошида шляпаси, қора костюмшим кийган олифтанамо бир киши тушди. Биз ғариб бечорага кўзи тушди. Эгнимда йиртиқ-ямоқ қўйлак, оёғимда йиртиқ этик, саломлашдик, ҳол-аҳвол сўрашдик, машинасини ичида хотини-ю,2та фарзанди бор экан. Улар сайлга чиқишган экан.

- Афсуски запаска балони ҳам тешилган экан, нима қилиш керак?

Осмон баланд, ер қаттиқ.

- Нима қиламиз энди, укажон. Сиз қўл кўтардингиз, тўхтасам, арзингизни тингласам шу ҳолат бўлмасмиди? - Афсусланди ҳайдовчи.

- Вақтингиз зиқ бўлгандир-да, зарари йўқ. Энди бундай қиламиз, акахон. Сиз қаердансиз ўзи?

- Мен Когон туманиданман?

- Қоровулбозор марказигача 60 км, Қарши томонга 35 км. йўл босилса, балонни ямайдиган жой бор. Сиз янгам ва болалар билан 3-4 соат дам олиб ўтирасиз, мен иккала балонингизни ҳам ямаб келаман. Сабр қиласиз энди,-дедиму 2 та балонни эшакка юклаб йўлга отландим.

Катта Бухоро-Қарши трассса йўлига чиқдиму, бир таниш кишига эшакни қолдириб, йўловчи машина билан Қоровулбозор марказига бориб иккала балонни яматиб яна бир енгил машинага ўтириб қайтиб келдим. Акахон мени кўриб ниҳоятда хурсанд бўлди. Йўлда енгил машина ҳайдовчисидан илтимос қилдим: "ВОЛГА" эгаси пул берса олмайсан. Чунки у одам меҳмон ҳисобланади, меҳмондан пул олиш одатимизда йўқ.

Балонларни жойига ўрнатишда кўмаклашдим ва бир қўзичоқни сўйиб уларни меҳмон қилдим. Меҳмонлар шундай ҳам хурсанд бўлишдики, асти қўяверинг. Орадан бир ҳафта ўтди, қўрамиз олдига ўша таниш "Волга" келиб тўхтади. Эшикни очиб, акахон тушдилар. Менга янги кийимкечаклар, оқ ёғ, рўзғорга керакли нарсалар олиб келибдилар. Мен бу нарсаларни олмайман десам ҳам қўймай ташлаб кетдилар. Шундан бери келиб-кетишни йўлга қўйганмиз. Ҳа инсон-инсон билан тирик экан. Сизлар билан учрашиб, анча юрагимни бўшатдим,- дея йигит ўз суҳбатига якун ясади.

Гайбулла АБДУЛЛАЕВ
Бухоро вилояти,
Ғиждувон тумани

РЕСПУБЛИКАМИЗДА 6-10 ФЕВРАЛ КУНЛАРИ КУТИЛАЁТГАН ОБ-ҲАВО

Шу вақт ичида ҳаво ўзгариб туради.Икки кунликда айрим вилоятларда ёғингарчиликлар бўлиб ўтиши, баъзи жойларда туман тушиб ғарб томондан эсаётган шамолнинг тезлиги шарқ томонга ўзгариб 7-12 м/с. дан 15-20 м/с. гача етиши мумкин. Қолган кунлари ёғингарчилик бўлмайди. Ҳаво ҳарорати 6- феврал куни кечаси 2- 7 С гача , иссиқ бўлиб 7-10 феврал кунлари кечаси 0,- 5 С гача совиши, кундуз кунлари 5-10 даража иссиқ бўлиши мумкин.

Республикамизнинг шимолида 6-7 феврал кунлари ёғингарчилик бўлади,- қолган кунлари ёғингарчилик кутилмайди.Шамолнинг тезлиги 7-12 м.с. дан 15-20 м.с.гача етади.Ҳаво ҳарорати кечаси -2-3.С иссиқ билан 7- 12 С совуқ атрофида булиб колган кунлари кундуз кунлари 0, +5 С даража иссиқ билан 0, 5 С совуқ ўртасида бўлиши кутилади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради. Икки кунликда ёмғир ёғиб, қорга айланиши мумкин. Қолган кунлари ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман тушади. Шамол эсиб тезлиги 7-12 м/с.дан 15-20 м/с.гача етади. Ҳаво ҳарорати 6 - феврал куни 2-7 С иссиқ бўлиб 7-10 кунлари кечалари 0- 5 С гача совиши , кундуз кунлари эса 5-10 С дан 2-7 С гача иссиқ бўлиши мумкин.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

КЎЙ
(21.03 — 20.04)
Ақлий ва жисмоний меҳнат сизни ниҳоятда толиқтирган. Ҳар қандай ишни тўхтатиб сокин табиат бағрида ҳордиқ чиқаринг.
Тиниқиб дам олганингиздан кейин бошлаган ишингиз сизга омад келтиради.

СИГИР
(21.04 — 21.05)
Раҳбарларингиз билан баҳслаша кўрманг. Яхшиси ўз фаолиятингизни кучайтиринг. Истеъдодингизнинг янги қирраларини намойиш этишга ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР
(22.05 — 21.06)
Ҳамма нарсани зиммангизга олмаганингиз маъқул. Дўстларингиз билан маслаҳатлашиб иш тутинг. Мустақил иш қилишни истасангиз бу ҳафта кутиб турганингиз маъқул.

ҚИСҚИЧБАҚА
(22.06 — 22.07)
Ақл билан иш юритинг. Бошлаган барча ишларингиз кўнгилдагидек бўлмаслиги мумкин. Бироқ сабр-тоқат ва режа билан ишингизни давом эттираверинг.

АРСЛОН
(23.07 — 23.08)
Ажойиб учрашувга тайёрланинг. Шу ҳафта ҳаётингиздаги энг қувончли лаҳзаларни сизга тақдим этади. Кибрланиб кетманг. Тақдир сизга ҳамиша кулиб боқмаслиги мумкин.

БОШОҚ
(24.08 — 23.09)
Қариндошларингиз билан бўладиган навбатдаги мулоқот сизга хушкайфият бағишлайди. Уларни уйга таклиф этишдан оғринманг. Улар билан қардошлик риштасини янада қаттиқроқ боғланг.

ТАРОЗУ
(24.09 — 23.10)
Тилингиз душманингиз. Эҳтиёт бўлинг, ўйламай гапирган ҳар бир гапингиз сизга анча ташвишлар келтиради. Шунинг учун ўйлаб иш қилинг.

ЧАЁН
(24.10 — 22.11)
Шу ҳафта олисга саёҳатга боришни (айниқса самолётда) режалаштирманг. Дам олиш кунларини эса уйда оила даврасида ўтказганингиз маъқул.

ЁЙ
(23.11 — 21.12.)
Оила аъзоларингиз томонидан антиқа янгиликлар эшитасиз. Уларнинг баъзиларидан қувонасиз. Яқинларингизга эътиборли бўлсангиз ҳаётингиз мазмунли бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ
(22.12 — 20.01)
Таътил ҳақида орзу қилаяпсиз. Буни вақтинча унутишингизга тўғри келади. Қисқа вақт ичида талай ишларни бажаришингиз керак. Сиз буни эплай оласиз.

ҚОВҒА
(21.01 — 18.02)
Енгил-елпи ишларга қўл урманг. Ҳалол меҳнатингиз билан рўзғорингиз бадастир бўлади. Ҳафтанинг охирги куни ҳамкорларингиз билан янги шартнома тузиш учун қулайдир.

БАЛИҚ
(19.02 — 20.03)
Иккиланмасдан янги ишни бошлайверинг. Чунки, фақат шу иш орқали сиз катта муваффақиятларга эришасиз. Бироқ, озгина сарфу харажат қилишингизга тўғри келади.

Б. САЙИДАЛИЕВА тайёрлади

...ҚАРО ЕР ҚИЛГУВЧИ ҲАМ, ХОТИН

Турмушларининг дастлабки даврларида уларга ҳамма ҳавас билан боқишарди. Узукка кўз қўйгандек мос тушишган, дейишарди ёш келин-куёвнинг бирга юришганини кўрганлар. Ўша тўй базмида меҳмонларнинг: "Турмушлари фаровон, ували-жували бўлишсин!", дея қилган ниятлари ижобат бўлаётгандек эди. Куёв Карим эрта саҳар туриб, келинпошша - Жамбуви тайёрлаган нонуштани тановвул қилиб, ишга кетарди. Келинчакнинг жилмайиб кузатиб қолишларидан завқланиб, астойдил тер тўкар, самарали меҳнат қиларди. Турмушидар сармаст келин ҳам эрини кузатгач, ўзи-ча апил-тапил ишга отланарди. Баъзан бирга чиқишарди кўчага.

Шу тариқа, яъни ҳаётдан завқланиб, бир-бирининг висолига тўймай ўн икки йил турмуш кечиришди. Тўйхўрларнинг никоҳ базмида билдирган ният-истаклари ижобий бўлиб, "ували-жували" яъни уч нафар фарзандга ота-она бўлишди.

Нима бўлди-ю, Карим ишдан қисқартиришга тушиб, ишсиз қолди. Ҳаммаси шундан сўнг бошланди, орага шайтон оралади. Уйда бекор ўтирган эр вақтини турли яхши-ёмон ўй-хаёллар гирдобида ўтказар экан, назарида хотини ишга эрта кетиб, кеч келадигандек туюларди...

Карим бекор ўтирмасликнинг иложини топгандек бўлди. уйларига яқин жойлашган ёнилғи қуйиш шахобчасидан 30-40 литрлаб бензин олиб келадиган ва устама нархда сотишни йўлга қўйди. Шундай қилиб, ноқонуний ва ношаръий йўл билан пул топиб, унинг ҳам бир қисмига ароқ ичадиган одат чиқарди. Ҳаром йўл билан, шайтон ҳукми билан топилган маблағ рўзғорга кирди. Кирдигина эмас, балки бу ҳаром луқма шундоғам шубҳа-ю гумонлар аро юрган эрнинг ҳиссиётларини жунбушга келтирди. Бошқача айтганда ўз таъсирини кўрсата бошлади. Эр-хотин ўртасига совуқчилик оралади. Беҳуда рашк туфайли, ориш-жанжал ўчоғи қўр ола бошлади. Бир томондан шиша ичидагина жим турган заҳри қотил бекорчи, иродаси сустроқ эрни шайтоннинг измига бўйсундирди қўйди. Оддий гап талашувлардан бошланган келишмовчилик, бақир-чақирлар, сўкинишлар ва ҳақоратлардан, охирида дўппослашгача бориб етди. Ҳатто, шу даражага бориб етдики, "сендан мен камми" дея хиёнат кўчаларига юз бурилди. Хуллас, рўзғордан қут-барака кетди, орадан меҳру оқибат кўтарилди. Ана шу тахлит жанжалларнинг бири "зўравон эр"нинг ўн сутка маъмурий қамоқ жазосини олиши билан бирҳам топди. аммо, бу эрнинг "попугини пасайтирмади", аксинча, "сенми мени қаматадиган" дея жазаваси тутадиган бўлиб қолди...

Бу воқеа, Жамбуви Аҳмедованинг терговда ва судда берган кўрсатмаси асосида ёзилди, холос. Иккинчи гувоҳ эса, йўқ... Аслида икковининг ўртасида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар фақат икковига ва ёлғиз Оллоҳга аён...

Кейинги воқеалар ривожи қуйидагича давом этди. Камситиб ҳам тавбасига таянтиролмагандан сўнг ўн икки йил бир ёстиққа бош қўйгани, бир тан, бир жон бўлиб яшагани ҳам кўзига кўринмаган хотин бутунлай шайтон йўлига кириб, эридан "қутулмоқчи" бўлди. Фақат бу ишни ўз қўли билан қилса, жазо муқаррар. Шу боис, ими-жимида бировлар қўли билан амалга оширишни режа қилди. Ахир одам биров билан уришишганда таёқ зарбасидан ҳам ўлиб қолиши мумкин-ку. Шум ниятини Муслим қишлоғида истиқомат қилувчи укаси Ёқубга айтганда, у ҳам маъқуллади. Ҳатто, опасини бу бало-қазодан қутқариш учун бажонидил бош қўшадиган, бир-иккита "жангари"ларни топишини маълум қилди. Хуллас, ушбу ҳуфиёна "операция"ни охиригача адо этишни ўз зиммасига олди. Дастлаб, бу ишга синфдош дўсти Акмални, сўнгра унинг таниши бўлган, ҳали вояга етмаган Шаҳобни кўндирди. Ахир, бу иш учун опаси томонидан мўмайгина "пул мукофоти" белгиланган эди-да.

Янги йил арафасида учовлон бирлашиб, Иштихон шаҳридаги хусусий ошхоналардан бирида овқатланиш баҳонасида жиноий режа тузишди. Албатта, давангирдай бир одам билан бас келишга кучлари тенг эмасди. Шу боис, Акмалнинг жанжалтўполонга ихлосманд таниш-ларини ахтариб Митан қўрғонидаги 41-ўрта мактабга йўл олишди. Манзилга етиб келингач, мақсадга осонгина эришилди ҳам. Ҳали вояга етиб улгурмаган, аммо, бўйлари чўзилиб, муштлашишнинг анча ҳаддисини олган Ахтам, Толмас, Ғайрат ва Гуливерлар мукофот кафолоти билан жиноий гуруҳга аъзо қилинди.

Уюшган гуруҳ масалани шу куниёқ бир ёқли қилиш учун кечқурун "операция" амалга оширилади-ган жойга яқин бўлган Сиддиқ исмли йигитнинг уйига тўпланишди. Ҳали анча эрта бўлиб, одамлар уйқуга кетадиган вақтни кутишлари лозим эди. Бу ерда Жамбуви оналари "ўз халоскорлари" шаънига зиёфат уюштириб, спиртли ичимликлар билан сийлайди. Шу аснода "операция" режаси тузилди ва унга тайёргарлик кўрилди. Яъни, жангарилар темир калтаклар билан қуроллантирилди. Белгиланган вақтда Каримнинг уйига йўл олишди. Қолганлари пистирмада қолишди. Икки йигитча "йўлда машинамизнинг бензини тугаб қолди, унда Ниятқобил деган дўстингиз ҳам бор. Бириккита қизлар ҳам бор. Пулини боргандан кейин оларкансиз", дея уй соҳибини ишонтиришди. Карим 5 литр бензинни олиб, мусофир йигитчалар билан йўлга тушди. Аммо, улар айтган жойга етиб келгач, на машина, на дўстини кўрмагач, алданганини сезди. Шу орада пистирмадагилар уни ўраб олишганди. Қочишга уринди, бироқ жангарилар ёш болалар эмасми, тезда етиб олишди ва...

Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиши мумкин эмасди. Эрталаб, хўжалик даласидан вахшийларча калтакланган Каримнинг жасади топилди. Жиноятчиларни топиш ҳам қийин бўлмади. Сўров-тергов-лар бошланди. Энг қизиғи, "жабрдийда хотин" авалига ўз айбига иқрор бўлмади. Исботлаб берилгандан сўнг эса, "мен уни ўлдиринглар, демагандим. Калтаклаб, кўзини кўрқитиб қўйинглар, дегандим", дея ўзини оқлай бошлади. Аслида у ушбу фожеага вояга етмаган ёшларни жалб қилингани учун икки карра жиноятчи эди.

Хуллас, суд ҳайъати ўз эрининг қотилига айланган Ж. Аҳмедова устидан йигирма йил озодликдан маҳрум этиш ҳукмини чиқарди. Таассуфки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг авфи эълон қилиниши жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари, вояга етмаган бир гуруҳ ўсмирлар узоқ муддатли қамоқ жазосига маҳкум этилдилар... Шу воқеадан сўнг, халқимизнинг "эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин" деган мақоли эсга келади. Аммо, Жамбуви эрини ўлимга маҳкум этиб, унинг ёш умрига зомин бўлиш ўрнига жуда жонига теккан тақдирда ҳам, судга мурожаат этиб, қонуний ажралиб кўяқолса ҳам бўларди. Бироқ, у бундай қилмади, шайтон измига кириб, болаларини ота меҳридан мосуво этди, бир гуруҳ эндигина мустақил ҳаёт йўлига қадам қўяётган ўспиринларни йўлдан адаштирди, жиноят кўчасига бошлади. Таассуф...

Шамс ҒАФФОРОВ,
Самарқанд вилоят суди судяси
Хайрулла ҲАМРОЕВ,
"Оила ва жамият" мухбири

ЁШАРИШНИ ИСТАЙСИЗМИ? МАРҲАМАТ...

Маслаҳатхона

350 грамм саримсоқ пиёзни олиб, тозалаб, ёғоч қошиқ билан яхшилаб эзинг. Майда эзилгандан сўнг 200 грамини олиб, шиша банкага солинг ва устига 200 грамм 96%ли спиртдан қўшиб, пластмасса қопқоқ билан яхшилаб бекитиб қўйиб 10 кун давомида салқин ва қоронғи жойда асраб қўйинг. 10 кундан сўнг тайёр моддани докадан ўтказиб, яхшилаб шарбатини сиқиб олинг. Тайёр шарбатни яна 14 кун қоронғи ва уй-ҳароратида сақланг. Шундан сўнг даволашни бошлашингиз мумкин.

ДАВОЛАНИШ ТАРТИБИ ҚУЙИДАГИЧА:

Стаканнинг тўртдан бир қисмига совуқ сут қуясиз-да устига тайёр малҳамдан ҳар куни овқатдан 30 дақиқа олдин қуйидагича схемада кўрсатилганидек томчилаб қўшиб ичасиз.

Бу даволаниш усулидан яна 6 йилдан сўнг фойдаланиш тавсия этилади.

Даволаниш усулининг хусусияти шундаки, 10 кун ичида организмни ёғлардан, тузлардан тозалайди. Модда алмашинуви дарҳол яхшиланади. Юрак-қон томирлари майинлашиб, чўзилувчанлик хусусияти яхшиланади. Склероз, стенокардия, инфаркт, фалаж ва ҳар хил шишларнинг пайдо бўлишидан сақлайди. Кўриш қобилиятини яхшилайди. Юқоридаги схемага қатъий амал қилсангиз организмингиз соғламлашаиб, танангиз ёшаради.

Лола АҲМЕДОВА тайёрлади

Кунлар	Нонуштада	Тушликда	Кечки овқатда
1-кун	1-томчи	2-томчи	3-томчи
2-кун	4-томчи	5-томчи	6-томчи
3-кун	7-томчи	8-томчи	9-томчи
4-кун	10-томчи	11-томчи	12-томчи
5-кун	13-томчи	14-томчи	15-томчи
6-кун	15-томчи	14-томчи	13-томчи
7-кун	12-томчи	11-томчи	10-томчи
8-кун	9-томчи	8-томчи	7-томчи
9-кун	6-томчи	5-томчи	4-томчи
10-кун	3-томчи	2-томчи	1-томчи
11-кун	25-томчи	25-томчи	25-томчи

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 34-25-46

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 137. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ,
Баҳоси эркин нархда. Адади - 22362
Саҳифаловчи — Шаҳриёр ШОҲИСМОИЛОВ.
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи — М. СОДИҚОВ.